

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ

Технология таълими фанларининг  
инновацион тараққиёти ва стратегиялари

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ” йўналиши**

**“ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
ТАРАҚҚИЁТИ ВА СТРАТЕГИЯЛАРИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** **Ў.Қ.Толипов** - Педагогика фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:** п.ф.н.,доц. Г.М.Анарқулова ТДПУ “Меҳнат таълими методикаси” кафедраси мудири

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>20</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>122</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>127</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>137</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаот ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигиdir. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасаларида

кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиягини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли ракобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари фанининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модулининг мақсади:** замонавий талабларга мос ҳолда

олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини оширишни таъминлашдан иборат.

**“Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” модулининг вазифалари:**

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан фаннинг назарий муаммоларини таҳлили қилишларида хорижий илмий мактаблар қарашлари билан таққослаш жараёнини самарали ўзлаштирилишини таъминлаш.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциялариغا қўйиладиган талаблар**

**“Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

**Тингловчи:**

- технология таълимиининг назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, замонавий йўналишлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- технология таълимиига оид илмий тадқиқотларда қўлланиладиган илмий ёндашувларни;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишнинг инновацион ва автоматлаштирилган мұхитини;
- олий таълимда технология таълимиини ўқитишнинг замонавий технологияларини **билиши** керак;

**Тингловчи:**

- технология таълимиига оид назарий тадқиқотлар таҳлилини амалга оширишни;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишнинг меъёрий хужжатларини лойиҳалаштириш;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишда таълими мазмуни узвийлиги ва узлуксизлигини тизимли таҳлил қилиш ва уни таъминлаш;
- назарий билимлар ва амалий кўникмаларни педагогик фаолиятда қўллай олиш;
- технология таълимиини ўқитишга оид таълим методларидан фойдалана олиш;

- технология таълимиини ўқитиш муаммоларини тадқиқ қила билиш;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитиш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- олий таълим муассасаларида технология таълимии ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув фанларини ўқитиш жараёнларини оптималлаштириш бўйича **кўникма ва малакаларга эга бўлиши** зарур.

**Тингловчи:**

- технология таълимиини ташкил этишга оид назарий билимларни амалиётда қўлланилишини таҳлил қилиш ҳамда касбий фаолиятда фойдаланиш;
- технология таълимиини ташкил этиш тамоийлари ва назарий тушунчалардан амалиётда фойдаланиш;
- олий таълим муассасалари технология таълимии ўқитувчиларини тайёрлашда мутахассислик фанлари мазмуни, уни ўқитиш метод ва воситаларини такомиллаштириш;
- педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион ўқув машғулотларини ташкил этиш ва олиб бориш;
- талабаларнинг технология таълимиига оид илмий-ижодий ишларини ташкил этиш;
- талабаларнинг технология таълимиига оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторингини олиб бориш каби **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари” ўқув модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Технология таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари”, “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, технология таълимини ўқитиш методикаси бўйича назарий масалалари ва муаммолари, мутахассислик фанларини ўқитишда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

#### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					<b>Мустақил таълим</b>	
		<b>Хаммаси</b>	Аудитория ўқув юкламаси		<b>Жумладан</b>			
			<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>			
1.	Технология таълимни ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари.	4	4	2	2	-		
2.	Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Технология таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.	4	4	2	2			
3.	Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялаш.	4	4	2	2			
4.	Ўзбекистонда технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларга қўйилган талаблар. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар: шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги.	4	4	2	2			

5.	Соҳага тегишли илғор чет эл тажрибалари таҳлили	2	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Технология таълимни ташкил этишга оид**

#### **тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари.**

Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг тутган ўрни. Технология фанининг мақсади ва вазифалари. Технология фани педагогиканинг тармоқларидан бири сифатида.

### **2-мавзу: Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Технология таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.**

Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Техник ижодкорликни ривожлантириш технологиялари. Касб танлаш ва касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш муаммолари.

### **3-мавзу: Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялаш.**

Технология фанининг Концепцияси. Давлат таълим стандарти (таълим босқичлари бўйича таълим мазмуни, мақсади, вазифалари, тузилиши). Умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқув дастури (синфлар бўйича ўқув соатлари, мавзулар тақсимоти). Янгидан яратилган методик қўлланма ва дарсликлар мазмуни.

### **4-мавзу: Ўзбекистонда технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларга қўйилган талаблар. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар: шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги.**

Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар. Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграцияси.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Технология таълимни ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари.**

Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидағи ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамиятини ўрганиш. Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашуввлар ва инновацияларни белгилаш. Фанни ривожланиш тарихи

босқичларини аниқлаштириш; жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш.

## **2-амалий машғулот: Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Технология таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш**

Назарий ва амалий машғулотлар, техник ижодкорлик ишлари, касб танлаш ва қасбга йўналтириш ишларини ташкиллаштириш муаммолари. Технология таълимии жараёнида касб танлашга йўллашни ташкил этиш, касб танлашга йўллаш ишларини ташкиллаштиришнинг ўзига хослиги.

## **3-амалий машғулот: Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялаш.**

Технология таълимии мазмунини такомиллаштириш тамойиллари. Техник объектларга қўйиладиган талаблар. Технология таълимийининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги. Моддий-техник базани ривожлантиришнинг илмий-методик асослари.

## **4-амалий машғулот: Ўзбекистонда технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларга қўйилган талаблар. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар: шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги.**

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбатини. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўргатишдан иборат. Машғулот интерфаол методлар ва турли графикили органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

## **5-амалий машғулот: Соҳага тегишли илғор чет эл тажрибалари таҳлили**

Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиши тизимида қўйиладиган талаблар. Ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиш. Америка Кўшма Штатлари таълим тизими. Германия таълим тизими. Франция таълим тизими. Япония таълим тизими. Жанубий Корея таълим тизими

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loydihalar echimi b'oyicha daliillar va asosli aргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### **“Ассесмент” методи**

#### **Методнинг мақсади:**

мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

#### **Тест**

Янги Вена мактабига ким раҳбарлик қилган?

- А. Арнольд Шёнберг
- В. Шостакович
- С. Чайковский
- Д. Верди

#### **Қиёсий таҳлил**

- Опера-симфония оркестрида ва халқ чолғулари оркестрида дирижёрлик қилишнинг фарқлари?

#### **Тушунча таҳлили**

- “Интерпретация” сўзини изоҳланг.

#### **Амалий кўникма**

- Мусиқа санъатида таниқли маҳаллий ва хорижий ижодкорларнинг асарлари билан танишиш, таҳлил эта олиш

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Бастакорлик санъатида “Авангардизм” оқими ва унинг замонавий мусиқага таъсири”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт яқунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

## **Венн диаграммаси методи**

### **Методнинг мақсади:**

Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниqlаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Опера**



### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлик изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Kanon	Юнон. canon – меъёр, қоида	
Intonatsiya	Лот. intono – қаттиқ талаффуз этаман	
Basso ostinato	Итал. basso ostinato – таянч бас.	
Geterofoniya	Юнон. heteros – бошқа, phone товуш, овоз; бир овозли куйни биргаликда ижро қилганда, импровизация туфайли вақти-вақти билан юзага келадиган оҳангдошларнинг пайдо бўлиши	
Auftakt	Нем. auf-устида, лот. Tactus – тегиш; қўл билан ишора қилмок, бирламчи огоҳлантирувчи қўл кўтариш ҳаракати	
Vokaliz	Французча vocalize, лот. Vocalis – унли товуш.	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (ингл. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Технология таълимни ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари.**

**Режа:**

1. Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг тутган ўрни.
2. Технология фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Технология фани педагогиканинг тармоқларидан бири сифатида.

**Таянч иборалар:** ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, низом, давлат таълим стандарти, таълим сифати, самарадорлик, педагогика, ахборот-коммуникация технологиялари, умумтаълим фанлари, технология, касб-хунар, талаб, баҳолаш, мақсад, вазифа, кузатиш, эксперимент.

**1. Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг тутган ўрни.** Республикализ ўқитувчилари олдида умумий таълим, хунар мактабини ислоҳ қилиш, янги давр талабига мос етук кишиларни, бозор иктиносиди талабига жавоб берадиган таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, мактаб хақидаги концепцияни амалга тадбиқ қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Биринчи даражали вазифа ўрта мактабни битирган ўқувчилар фан асосларидан чуқур билим олишлари, оммавий ишчи касбларидан 2-3 тасини эгаллашлари, ўқиш билан бирга ишлаб-чиқаришда ҳам иштирок этишлари лозим.

Ўқувчиларни меҳнат ва касб оламига олиб киришнинг ҳар-хил йўллари орасида “Технология” фани муҳим ўрин тутади. Унинг методикасини такомиллаштириш, моддий жиҳозини мустаҳкамлаш, мактабни ўз атрофидаги саноат ишлаб чиқариш соҳаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатни ташкил этиш, унинг тарбиявий иктиносиди самарадорлигини ошириш, таълим билан қўшиб олиб бориш, ўқувчиларни меҳнатга тайёrlашни яхшилаш билан шуғулланади.

Технология фани дарси мактабдаги бошқа фанлар учун умумий дидактик принципларни қўлласада, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар билиш фаолияти билан эмас, балки яратиш фаолияти билан шуғулланадилар. Технология фани предметлари, куроллари, жараёнлари оддий ўрганиш обьекти сифатида эмас, балки ўқувчилар ишларини фаоллаштирувчи кўрсатмалилик воситаси, дидактик материал, таълимнинг техник воситаси сифатида хизмат қиласди.

Технология фани ўқув фани сифатида ана шу ва бошқа хусусиятларини ўргатади.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, ҳалқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, таълим, маданият, илм- фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантиришга, ҳалқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти томонидан 2016 йил 9 февралдаги ““Соғлом она ва бола” давлат дастури тўғрисида”ги<sup>1</sup> ПҚ-2487-сонли Қарорининг 62-бандида: “2016-2020 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва нашр этиш бўйича дастурнинг лойиҳасини тайёрлаш ва бунда республикада инглиз тилида нашр этилган дарсликларни ишлаб чиқиша ортирилган илғор тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда қуидагиларга эътибор бериш:

умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини, биринчи навбатда, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш;

янги ўқув дастурлари ва замонавий иллюстрацияли дарсликларни, бошлангич синф ўқувчилари учун иш дафтари, мультимедияли диск илова қилинган ўқитувчи китобидан иборат ҳолда ишлаб чиқиш;

янги таълим стандартларини, ўқув дастурларини ва режаларини, энг аввало, дарсликлар ва мультимедияли иловаларни ишлаб чиқиша кўмаклашиш учун Германия, Сингапур, Корея Республикаси ва Япониядан етакчи ўқув марказларини, ўқитишнинг тегишли соҳаларидаги ҳалқаро эксперtlар ва мутахассисларни жалб этиш” каби вазифалари белгиланган бўлиб, умумий мажбурий таълимнинг барча босқичларида ўқув фанларини, биринчи навбатда, аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг принципиал янги методологиясини жорий этиш уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ижодий гурух томонидан ишлар олиб борилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг 2015 йил 11 августдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 7-сон, 62-модда.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини тажрибатадқиқотдан ўтказиш тўғрисида”ги 229-ҚБ, 29-ҚҚ, 36/ҚБ-сонли қўшма буйруғи асосида 2015-2016 ўқув йилидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ташкил этилган Республика миқёсидаги 70 та умумий ўрта таълим муассасаларида, шунингдек, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 6 та: Аниқ фанларга, Филология фанларига, Профилли Технология таълимига, Табиий фанларга, Хорижий тилларга ихтинослаширилган Давлат умумтаълим мактаблари, Республика ихтинослаширилган мусиқа ва санъат академик лицейи, 52 та касб-хунар коллежи ва 18 та академик лицейларида тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташабbusлари билан 2017 йилнинг 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги<sup>2</sup> ПФ-4947-сонлиФармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берилди.**

**Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унда “...таълим, маданият, илм- фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” масалаларига катта эътибор қаратилган.**

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жумладан, 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди.

**Дастурнинг 4.4-бўлими “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш каби масалалар белгиланган.**

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” ги<sup>3</sup> 140-сонли, 2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги<sup>4</sup> 187-сонли Қарорлари қабул қилинганлиги таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда узвийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан модернизация қилинаётганлигидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг асосий омиллари сифатида қўйидагиларни келтирмоқчимиз:

Жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар асосида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни кескин ортиб бориши.

Давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминланганлиги.

Таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилаётганлиги.

Таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этилиши.

Ўқув-тарбия жараёни самарадорилигини ва натижавийлигини таъминлашда педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масаласига катта эътибор берилаётганлиги.

Кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси узвийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганлиги.

Эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишилари устуворлиги.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.

Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириб борилаётганлиги.

Мехнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устиворлиги.

Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилаётганлиги.

**2. Технология фанининг мақсади ва вазифалари.** Ўқувчиларни технология дарсларида техник ижодкорликни, қобилиятини, тафаккурини ривожлантириш, дарс жараёнида турли ва табиий ҳамда металл ва металлмас материалларга технология асосида ишлов бериш усулларини ўргатиш орқали касб-хунарга йўналтиришни янада кучайтириш, халқ ҳунармандчилиги асослари, рўзғоршунослик, электротехника ишларини бажаришда касб-хунарга йўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда уларни ҳаётда қўллай олиш лаёқатини шакллантириш кўзда тутилган.

**Таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади** – Таълим олувчиларда техник-технологик ҳамда технологик жараён давомида бажариладиган операциялар юзасидан олган билим, кўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб-хунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш компетенцияларини шакллантиришдан иборат.

Таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий вазифалари:

материаллар ва уларнинг хоссалари, хусусиятлари ҳамда техник обьект ва технологик жараёнларга оид маълумотларни ўрганиш;

техник обьект ҳамда технологик жараёнларда маҳсус ва умуммеҳнат операцияларини билиш;

технологик жараёнларни бошқариш, маҳсус ва умуммеҳнат операцияларини амалиётда қўллай олиш;

техник ва креатив фикрлашни, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш;

технологик жараён ва тайёрланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ҳамда маҳсулот сифатини таҳлил қила олиш;

буюм ва жараёнларни бажаришга оид хulosалар чиқариш ҳамда меҳнат операцияларини, маҳсулот сифатини баҳолай олиш;

онгли равишда касб танлашга тайёрлаш ишларини амалга оширишда таянч ва технология фанига оид компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

**3. Технология фанини педагогиканинг тармоқларидан бири сифатида.** Технология фани таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув режасида умумий таълим фанлари ва маҳсус фанларда ўқитиш назарда

тутилган. Маҳсус фанларга умумтехник, техника ва педагогика фанлари киради. Умумтехника фанларига техник механика асослари, машинасозлик асослари, электротехника ва электроника асослари кириб, техник фанлар бўйича билим эгаллашга асос бўлади.

Чизмачилик ва чизма геометрия, материалшунослик, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш асослари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг экономикаси асослари, электромантаж ишлари ва электр билан ишлайдиган майший асбоб (прибор)лар ва бошқа техник фанлар жумласига киради.

Ўқитувчининг психолого-педагогик жиҳатдан тайёргарлиги психология, педагогика, технология ва касб таълими методикаси, чизмачилик ва расм ўқитиш методикаси, мактаб гигиенаси каби фанларни ўрганишда амалга ошади.

Шундай қилиб, технология фани ўқитувчисини тайёрлашда “Технология фанини ўқитиш методикаси” ихтисослаштирувчи фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу фанлар бошқа фанларни педагогика, психология ва ҳоказоларни такрорламайди, балки улар билан яқин боғланишда бўлади.

“Технология фанини ўқитиш методикаси” курси ўрганиш, умумий таълим мактабидаги технология фанининг (мехнат тарбияси, политехник таълим, касбга йўллаш ва ҳоказоларнинг) мақсад ва вазифаларини, шу фан бўйича ўкув жараёнини ташкилий принципларини ва унинг мазмунини англаб олиниши, мактаб устахоналарида таълим тарбия жараёнини мувоффақиятли олиб боришда ёрдам берадиган методик воситалар системаси сифатида ўрганилиши лозим.

Технология фанининг алоҳида роли шуки, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида уларда меҳнатга онгли муносабатни таркиб топиши учун объектив қулай шароит вужудга келади. Бўлажак ўқитувчига яна шу шароитдан қандай қилиб тўла фойдаланишни кўрсатиш модулнинг вазифаларидан биридир.

Технология фани педагогиканинг тармоғи сифатида ўз объектлари, вазифалари ва тадқиқот методларига эга.

Технология таълими жараёни, шу жараённинг ҳамма жиҳатлари; ўкув материалининг мазмuni, ўқитиш методлари, ўқувчиларнинг билиш фаолияти, ўқитиш натижалари ва бошқалар ўрганиш объекти ҳисобланади.

Педагогика фанининг тармоғи сифатида технология фанини олдига қўйган асосий тадқиқот вазифалари қўйидагилардан иборат:

Технология фани вазифаларини асослаш, уларнинг тарбиявий ва таълимий аҳамиятини очиб бериш.

Технология фани вазифаларини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган карорлар асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Технология фани ўқувчилар шахсини ҳар томонлама камол топишига, меҳнатнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга ўқувчиларда онгли дунё қарашни шаклланишига ва асосий равишда касб танлашга тайёрлашда ёрдам беради.

Технология фани устахонада ўтказиладиган машғулотлар билан бошқа ўқув фанларини (ижтимоий-сиёсий, табиий математик) ўқитишининг ўзаро дидактик боғлиқлигини очиб беради, шунингдек, қуий, ўрта ва юқори синфлардаги Технология фанининг изчиллигини таъминлаш йўлларини кўрсатади.

Технология фани жараёнида ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, жисмоний меҳнат кишиларига хурмат ва шахснинг бошқа аҳлоқий сифатлари шаклланишига имкон беради.

Бу сифатлар оғзаки тушунтириш билан эмас, балки ўқувчиларни унумли меҳнатга катнаштириш йўли билан шакллантирилади.

Ўқув материалини мазмунини асослаш.

Педагогикадан маълумки, ўқув фанининг мазмунини ишлаб чиқиши учун, биринчидан, тегишли фан ёки техниканинг тармоғидаги мавжуд маълумотлардан ўқув материалини танлаб олиш, иккинчидан, бу материални ўқувчиларни ёш хусусиятларини, уларни бошқа фанларга оид билимларини ва бошқа баъзи факторларни ҳисобга олган ҳолда маълум тартибда системага солиш зарур.

Инсоният томонидан тупланган билимлар ҳажми жуда катта. Улардан умумий таълим талабларига энг юқори даражада жавоб берадиган ва ўқувчиларда ўрганиладиган ишлаб чиқариш жараёнларининг назарий асослари ва амалда қўлланилиши ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қиласдиганларини ажратиб олишга тўғри келади.

Бунинг учун ўқув материали энг катта тарбиявий ва таълимий аҳамиятга моликлигини хал қилиш учун уни танлаш мезони бўлиши керак. Бундай мезон (критийлар)ни ишлаб чиқиш ҳам методиканинг вазифасига киради.

Ўқув материалининг мазмуни фан ва ишлаб чиқариш тараққиётига қараб ўзгариб боради, шунга кўра ўқув дастурини ҳам ўзгартириб туриш лозим.

Ўқув материалини тартибга солиш ҳам муҳим муаммодир. Фан ва ўқув жараёнида “садда” ва “мураккаб” тушунчалари бир хил эмас. Масалан, фан тармоғи машинасозликда детал – содда ўрганиш обьекти, машина эса деталга нисбатан мураккаб ҳисобланади. Аммо ўқитиши ўқувчиларни машина

(масалан, металл қирқувчи станок) билан таништириш деталларни ўрганишдан бошланса, ўқувчилар ўқув материалини катта қийинчилик билан идрок этадилар, унга қизиқмаслигини кўрсатади. Агар машинани нимага мўлжалланганлигини ва умумий тузилишини тушинтиришдан бошланса, ўқувчилар уни конструкцияси билан чуқурроқ танишиш ва унинг айрим деталларини ўрганиш истаги туғилади. Натижада ўқувчилар ўқув жараёнида фаол иштирок этади, уларнинг янги билимларини онгли ўзгартеришга эришилади.

Ўқитиш методикаси тартибга солища энг самарадор йўлни ва воситаларни топади, бу эса мактаб фанини асослаш ва ўқув дастурини тузиш учун ҳам зарур ҳисобланади.

Таълим жараёнини ташкил этиш.

Ўқув жараёни ўззаро чамбарчас боғланган ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) ва таълим олиш (ўқувчилар фаолияти)дан иборатdir.

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг принциплари ва усулларини ишлаб чиқиша технология фанини ўқитиш методикаси бошқа ўқув фанларининг ўқитиш тажрибасидан ва дидактик тадқиқотларининг маълумотларидан фойдаланилади. Шу билан бирга кўп масалаларни технология фанини ўқитиш методикаси мустақил хал қиласди.

Масалан, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, иш ўрнини ташкил қилиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш ва ҳаказо.

Мактаб тизимида ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг учта асосий фронтал, бригада ва индивидуал шакллари мавжуд.

Ўқувчиларга бериладиган меҳнат топшириғи ижтимоий фойдали қийматга эга булиши лозим, акс ҳолда тайёрланаётган буюмга нисбатан ўқувчиларда қизиқиши уйғонмайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мазмуни ва методикасини асослаш. Бугунги кунда технология йўналиши бўйича мактабдан ва синфдан ташқари ишлар кенг тарқалган. Деярли ҳар бир мактабда метал ва металмас материалларга ишлов бериш ҳамда ёш техниклар тўгараклари мавжуд. Бундай тўгараклар ёш техниклар марказлари, клублари, маҳалла қўмиталар қошида ҳам ташкил этилган.

Уларни ишини ташкил этиш, турли шаклларини ишлаб чиқиш ҳам технология фанини ўқитиш методикасининг вазифасига киради.

Юқорида кўрсатилган ҳамма вазифаларни хал қилишда технология фанини ўқитиш методикаси қуидаги илмий методларига асосланади.

**Кузатиши.** Кузатиши жараёнида тадқиқотчи ўқув жараёнининг боришига аралашмай, фақат нима содир бўлаётганини қайд қилиб боради. Тадқиқотчи олдиндан кузатишнинг мақсади, вазифаси ва методикасини белгилаб олади.

**Эксперимент.** Эксперимент кузатишдан фарқли равища тадқиқотчи томонидан вужудга келтирилган жиддий, аниқ шароитда ўтказилади. Экспериментда вазиятни кераклича такрорлаш мумкин. Тажриба аввал кичик гурухда, сўнг синфда, бир неча синф ва мактабларда ўтказилади. Натижанинг самарадорлиги ҳақида холоса чиқарилади.

**Илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш.** Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш, уни умумий таҳлил қилиш ўқув жараёнини самарали ташкил этишга оид тавсифларни ишлаб чиқиши имконини беради. Илғор тажрибани кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, ўқувчиларнинг ишлари билан танишиш ва бошқа йўллар билан ўрганиш мумкин. Илғор тажрибани ўрганиш ва тарқатишда педагогик ўқишилар муҳим рол ўйнайди.

**Назарий тадқиқотлар.** Методикани ишлаб чиқишида кузатиш методлари ёки эксперимент йўли билан тадқиқ қилиб бўлмайдиган малакаларни хал қилишга ҳам тўғри келади. Масалан, ўқув материалининг мазмунини асослаш амалиётда тўплланган билим ва малакаларнинг тегишли комплексини ўрганишдан бошланади. Бу ҳолда тадқиқот анализ методи билан ўтказилади, яъни билим ва малакаларнинг бутун комплекси ажратилади. Сўнг ҳамма экспериментлар ичидан ўқув дастури мазмунига кирадиганлари танлаб олинади. Яъни анализга тескари жараён-синтез содир бўлади. Анализ ва синтез назарий тадқиқот методларидандир.

Демак, методика мустақил тадқиқотлар билан шуғулланади. Шу билан бирга бошқа фанлар билан чамбарчас боғланган ҳолда, ҳамкорликни амалга оширади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг тутган ўрни ҳақида нималар дея оласиз?
2. Сизнингча, фаннинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда қандай муаммолар мавжуд?
3. Технология фанининг педагогиканинг тармоқларидан бири сифатида намоён бўлишини тушунтириб беринг?

#### **2-мавзу: Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Технология таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.**

##### **Режа:**

1. Технология таълимининг замонавий тадқиқот йўналишлари.
2. Техник ижодкорликни ривожлантириш технологиялари.

3. Касб танлаш ва касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш муаммолари.

**Таянч тушунчалар:** Технология таълими, замонавий тадқиқот, билим, кўникума, педагогик маҳорат, Касб танлаш, касбга йўналтириши.

1. Технология таълим мини самарали ташкил этиш; ўқувчиларда умумкасбий билим ва кўникумларни шакллантириш; касбий таълим тизимини такомиллаштириш; Технология таълими ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш масалалари қуидаги олимлар томонидан ўрганилган:

Р.Х.Джураев, У.Н.Нишоналиев, У.Ш.Бегимқулов, В.П.Беспалько, П.Т.Магзумов, Р.К.Чориев, Н.Шодиев, А.Р.Ходжабоев, А.Парпиев, Ў.Қ.Толипов, А.Т.Маленко, Н.Сайидаҳмедов ва бошқалар.

У.Нишоналиев технология таълими ўқитувчилари тайёрлашни тарихий даврларга бўлиб ўрганган ҳолда технология таълим ўқитувчисининг касбий фаолият моделини яратган.

Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиётини тадқиқ этган.

А.Р.Ходжабаевнинг тадқиқотларида технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқишининг илмий - педагогик асослари илмий - методик жиҳатдан чукур ўрганилган, технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ўқув услугубий мажмуаси модели таркибий қисмларининг таълим тарбия жараёнидаги ўрни, мазмунини аниқлаган ҳамда ўқув жараёнида амалга оширган.

Ў.Қ.Толипов бўлажак ўқитувчиларнинг умумкасбий тайёргарлигини тренажёрлар воситасида такомиллаштириш ва педагогик технологиялар асосида ривожлантиришнинг педагогик асослари тадқиқ қилинган.

Чориев Р.Қ. Инженер педагогларнинг касбий-методик малакаларини шакллантириш.

**Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштиришни илмий-назарий жиҳатдан асослашга эътибор қаратган тадқиқотчилар:**

П.Р.Атутов, П.Н.Андианов, Ю.К.Васильев, В.А.Сластёчин, Д.А.Тхоржевский, А.И.Воробьев, Н.Е.Алексеев, П.Т.Магзумов, К.Д.Давлетов, Ж.Рамизов, И.Каримов, Р.Сарсенбоева, С.Ахмадалиев, Б.Дониев, А.Пармонов ва бошқалар.

**Ахборот технологиялари асосида масофадан ўқитиши технологиясининг истиқболли ҳамда ривожланиш босқичлари ва унинг ўқув таъминотини яратиш масалаларида:**

Ш.С.Шарипов, А.А.Абдуқодиров, Н.А.Муслимов, Х.Ф. Рашидов, Ж.А.Хамидов, Д.М.Сайфуров, У.Юлдашев, Н.И.Тайлаков, Д.Н.Маматов ва бошқалар.

**Имитацион лабораториялар, виртуал стенд ҳамда лабораториялар яратиш ва уларни ўқув жараёнига қўллаш масалалари:**

С.С.Гуломов, А.Х.Абдуллаев, С.А.Усманов, Ф.С.Тўрабеков ва бошқалар.

**Электрон ўқитиши воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш муаммоларига:**

А.Парпиев, Л.Х.Зайниддинова, Г.В.Ивишина, А.Н.Тихонов, Н.А.Муслимов, К.Т.Олимов, Ж.А.Хамидов, Н.И.Тайлаков, Д.Н.Маматов ва бошқаларнинг,

**Мехнат ва касб таълими фанларини миллий-маънавий қадриятлар асосида ўқитиши масалалари тадқиқ қилувчилар:**

Рахимов Б.Х Ашуроев Н.Р. Ибрагимова Г.Х, Салихова М.А., Хайдаров М.Э ва бошқалар.

**Толипов Ўткир Қаршиевич** Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари мавзусида докторлик илмий тадқиқотини олиб бориб, бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларида умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, маънавий ислоҳотлар талаблари асосида ривожлантиришнинг самарали педагогик технологияларини ишлаб чиқишига эришган.

**Муслимов Нарзулла Алиханович** Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий - методик асослари бўйича докторлик ишини бажариб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш муаммоларини тадқиқ этган.

**Шарипов Шавкат Сафарович** Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти мавзусида (13.00.08 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси 2012 йил) илмий тадқиқот олиб бориб, умумий ўрта ва касб-хунар таълимида ўқувчилар касбий ижодкорлигини узвий ривожлантиришнинг креатив педагогик технологияларини лойиҳалаш ва жорий этиш механизмини илмий-назарий ҳамда ташкилий-методик асосларини яратиб берган.

**Магзумов Пулат Тешаевич** Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтиришнинг педагогик шароитларини шакллантириш (Ўзбекистонда IV –VIII синф ўқувчиларининг касб танлаш ишлари мисолида) тадқиқотини олиб борган.

**Исмоилов Тўйчи Жабборович** Бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг техник ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг илмий асослари мавзусида фан номзоди илмий диссертацияни ҳимоя қилиб (Тошкент. 1995 й), Бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг техник ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишига эришган.

**Зойиров Камолиддин Абдухакимович** Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини конструкторлик-технологик билим ва кўнималарини шакллантиришнинг политехник асослари мавзусида номзодлик илмий тадқиқотини олиб борган.

**Тўрабеков Фарход Санакулович** Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш методикаси мавзусида диссертациясини бажариб, олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш методикасини самарадорлигини аниқлашга ўз хиссасини қўшган.

**Абдураимов Шерали Сайдикаримович** (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси 2017 йил.) Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш мавзусида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга эришган.

### **Таҳлилий хулоса**

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, технология таълими предметини шакллантириш юзасидан олиб борилган тадқиқотларда меҳнат, касб таълими ва техник ижодкорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида ўқувчиларни касбга йўналтириш ва техник ижодкорлик қобилиятини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар йўлга қўйилган. Бироқ, уларнинг тадбиқи бўйича жойларда моддий-техник базанинг талабга жавоб бермаслиги ва бошқа сабабларга кўра етарли даражада тадбиқ этилмаганлигини кўрамиз.

### **Таҳлилий тавсиялар:**

-Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини ксбий тайёрлиги ва ижодий фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмокда

- ДТС ва фан дастурларини тузишда замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий этишни эътиборга олиш;

- Мехнат таълимини ўқитишда АКТдан унумли фойдаланишни такомиллаштириш;
- Дизайнерлик ижодкорлиги бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш;
- Технология таълимида виртуал лабораторияларни жорий этиш;
- Технология таълимида полимер ва пластмасса материаллардан фойдаланишга қаратилган тадқиқотларга эътиборни қаратиш;
- Бўлажак меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини компетентлигини ривожлантириш каби вазифаларнинг амалга оширилишини тавсия этамиз.

**2.** Техник ижодкорлик олдинги вақтларда индивидуал стихияли характерга эга бўлган. Эски мактаблардан ташқарии ишлар, техник ижодкорлик тўгараклари, умуман бўлмаган. Ўқувчиларни қизиқтирган ижодий фаолият турлари билан ўз ҳохиш ирода билан шугулланганлар. Ўсмирларнинг техник ижодкорлиги фаолияти билан шугулланиши бошланиши собиқ иттифоқнинг тузуми даврида мос келган. Ўқувчи ва ёшлар техник ижодкорлиги фаолиятини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- (1920 йил) меҳнат мактабини пайдо бўлиши, ёшлар пионер ташкилотининг ташкил қилиниши;
- (1923 йил) мамлакатни чуқурлаштириш.
- илмий техник тараққиётини оммавий ташвиқот қилиш (1926 йил) асосида мактабдан ташқари ишларини ташкил қилишнинг янги шаклларини топиш;
- (1932 йил) улуг ватан уруши бошланиши йилларида ўқувчиларнинг зарурий ишлаб чиқиши кўникмаларини эгаллаш даври; улуғ ватан урушининг охирги йилларида кўп ишлаб чиқариш устахоналарини қисқартириш; политехник таълим ва ўқув устахоналарини ташкил қилиниши техника бўйича мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишга сабаб бўлади. Халқ таълимини ривожлантириш ва мактаб билан хаётни ўзаро алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган қонун асосида янада такомиллаштирилди.
- (1960 йиллар) ўқувчиларнинг ихтирочилик ва расионализаторлик бўйича мактаб ва мактабдан ташқари ташкилотларнинг кўриги ўтказилиши;
- (1967 йил) ёшларнинг илмий-техник ижодкорлиги кўрикларида иштирок этиши;
- (1976 йил) ёшларни илмий техниковий ижодкорлигининг ягона давлат тизимининг пайдо бўлиши (1980 йил) босқичлари мавжуд.

Ўқувчиларнинг техник-ижодкорлигини ташкилий системаси жуда кўп қиррали. Ҳозирги кунда болалар ва ёшлар ижодий фаолияти билан ҳар хил вазирликлар халқ таълими ходимлари, касаба уюшмаси, ёшлар иттифоқи, ватанпарвар ташкилоти ва бошқалар шугулланадилар. Болалар ва ёшларнинг

оммавий равища ижодий фаолият билан шуғулланишида умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей, касб-хунар колледжлари, марказлар ва мактабдан ташқари таълим муассасалар (ижодиёт марказлари, ёш техниклар клуби, маданият маркази, маданият ва техника маркази) шуғулланади.

Техник ижодкорликнинг мазмунни ўқувчиларнинг ёшларига қараб танланади. 1-4 синфлар элементар билимларга, 5-9 синфлар асосий чукур техник тайёргарликка эга бўлган билимлар шакллантирилади. Эгалланган билимлар асосий кўникмаларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги мазмунни кенгайиб боради. Касб-хунар колледжларида ўқувчилар танлаган касблари бўйича ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятларида иштирок этадилар. Бунда улар техник, технология, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича илмий-текшириш, конструкторлик ишларини амалга оширишда хизмат қиласидилар.

Бизнинг асrimiz фан-техника ютуқларини мислсиз даражада тарақкий этиши ҳамда бу тараққиёт натижасининг оддий инсонлар ҳаётига жуда қисқа муддатда кириб келаётганлиги билан тавсифланади. Мана шундай тараққиёт омилларидан бири бу шубҳасиз янги ахборот технологиясидир. Бугунги кунда хаётимизнинг хеч бир соҳасини, жумладан, таълим тизимини ҳам янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ҳамда унинг асоси бўлган компьютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва янги ахборотни яратиш билан шуғулланувчи технологияларни компьютерлар асосида жорий этиш, яъни белгиланган фаолят турини амалга оширувчи компьютерлар ва унда жорий этилган дастурий таъминотни юритиш мажмуи янги ахборот технологияси деб юритилади. Ахборотлар даври ҳисобланган бугунги кунда тарихда биринчи маротаба инсоният фаолиятининг кўплаб соҳалари моддий буюмлар билан эмас, балки ахборотни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда ёшларни ахборот даврида яшаш ва ишлашга ўргатиш, уларда ахборотларни йиғиши, тартиб ва таҳлил қилиш, уни узатиш кўникмаларини шакллантириш мухим аҳамият касб этади. Булар уз навбатида ўқувчиларнинг кўплаб қобилиятини, шу жумладан ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда ҳам мухим асос вазифасини ўтайди, чунки ҳар қандай янги ғояни таклиф қилишдан илгари қаралаётган соҳани батафсил ўрганиб чиқиш, янги ахборотни топиш ва уни тавсия этилаётган ечим билан боғлашни ўрганиш лозим бўлади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун бўлса, албатта одий инсон хотирасида сақлаб бўлмайдиган даражада катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш талаб этилади. ЯАТ имкониятлари ушбу муаммони автоматлашган ўқув-ахборот тизимлари, билимлар балки маълумотлар банклари воситасида асосан ва самарали ҳал қилиш

имкониятини яратади. Шу муносабат билан кейинги пайтда Республикаизда бу соҳага эътибор кучайиб бормоқда, кейинги 5 йил мобайнида мавжуд компьютерлар парки бўйича ватанимиз жаҳон кўрсаткичларига яқинлашиб қолди. Бироқ, таълим жараёнида замонавий ахборот техникаларини, жумладан шахсий компьютерларнинг қўлланиши учун зарур назарий ва амалий, илмий-услуби асосларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, айниқса ижодий қобилиятни ривожлантириш билан боғлик қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Техник ижодкорликни амалга оширишда компьютерларни қўллашнинг шакл ва усуllibарини белгилашда, аввало улар ёрдамида ўқувчиларнинг ижод қилишни эмас балки янги техник ечимни яратишдаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириши ва уни амалга оширишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқаришда фойдаланишини эътиборга олиши лозим.

Талабаларни тафаккурини ва илм-фанга ижодий муносабатини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шаротида фан техника тараккиётини жаҳон стандарти даражасига чиқишини, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлай оладиган ёш авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларга замонавий таълим бериш орқали ҳозирги замон интелектул салоҳиятга эга бўлган кадрлар бўлиб етишига эришилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг **Конституция** (лотинча **constituo** – ўрнатиш сўзидан), асосий қонуни (1992 йил 8 декабр), Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (1997 йил 29 август) ва Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (2016 йил 14 сентябр) қонунлари ва қонуности хужжатларидан: **Вазирлар Маҳкамасининг** 1998 йил 5 январдаги Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги **5-сонли қарори**, **Вазирлар Маҳкамасининг** 1999 йил 16 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги **390-сонли қарори**, **Вазирлар Маҳкамасининг** 2000 йил 18 октябрдаги “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги **400-сонли қарори**, **Вазирлар Маҳкамасининг** 2001 йил 16 августдаги “Олий таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги **343-сонли қарори**, **Президентнинг 2012 йил 24 июлдаги** “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги **ПФ-4456-сонли Фармони**, **Вазирлар Маҳкамасининг** 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил

16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги **3-сонли қарори, Президентнинг 2015 йил 12-июндаги** “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” **ПФ-4732- сонли Фармони ва** шу ҳақдаги **Вазирлар Маҳкамасининг** 2015 йил 20 августдаги 242-сонли қарори, **Президентнинг** 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларини тасдиқлаш тўғрисида”ги **ПФ-4947-сонли фармони, Президентнинг** 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим муассасалариинг 2017-2021 йилларда моддий-техник базасини такомиллаштириш тўғрисида” **ПҚ-2909-сонли қарори** ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан тегишли вазифалар белгиланиб таълим тизимининг моддий техник базасини яхшилаш ва таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланган.

Талабаларнинг тафаккурини ва илм-фанга ижодий муносабатини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шаротида фан техника тараккиётини жаҳон стандарти даражасига чиқишини, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлай оладиган ёш авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларга замонавий таълим бериш орқали ҳозирги замон интелектул салоҳиятга эга бўлган кадрлар бўлиб етишига эришилади.

Бугунги кунда ижодий ва шахснинг ижодий хислатларини шакллантириш масаласига ўз навбатида педагоглар, психологлар, философлар ва ҳамда социологлар ҳам ўз эътиборини қаратиб келмоқда.

Педагогларнинг фикрича агарда болаларда ижодий қобилиятларини ривожлантириш эрта ёшдан бошланмаса кейинчалик қийинчилик билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ижодий фаолиятга жуда эрта ёшдан болаларни йўллаш лозимлиги қайд этилади.

Педагогик томонидан ҳам ижодий қобилиятни ривожлантириш йўллари аниқланган. Умумий ҳолда улар учун болаларни ижодий фаолиятига жалб қилиш кераклиги уқтирилади.

Тайёр ҳолатдаги билим ва кўнималарни эгаллаш ва амалиётда қўллашга имконият туғилмайди. Бу жараён ўқувчилар учун фойдали ҳисобланади, аммо уларнинг фикрлай олиш қобилияти ривожланмайди.

Мактабда ўқувчи шахси ижодий қобилиятининг қирраларини фақат ўқув фаолияти давомида шакллантириш мумкин десак хато қилган бўламиз. Балким фақат ўқув машғулотлари давомида ўқувчилар шахсининг ижодий қобилиятини шакллантириш мумкин эмас. Бевосита ижодий фаолиятнинг аниқ тури бўйича амалий фаолият лозим, яъни техник, бадиий ва бошқалар.

Педагоглар болалар ижодкорлигини нафақат ўқувчиларни турли хилдаги ишлаб чиқариш ва техника олами билан таништириш, уларни қобилиятларини ривожлантирувчи фаолият сифатида қарайди, балким уларни фан оламини ўрганишга тарбиялаш ва таълим беришнинг самарали усулларидан бири сифатида қарайди.

Психологлар болалар ижодкорлигига ўқувчиларда ижодий қобилиятининг маълум турига бўлган кизикиш майилларини шакллантиришга катта эътибор қаратади. Бошқача айтганда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини бошқаришда психологлар ижодий қобилиятини тўғри ташхис услубидан фойдаланади, яъни ўқувчилар қандай фаолият турида ва қандай шароитда янада ўзини маҳсулдор қилиб қўрсата олади.

**Юқорида келтирилган фикрлар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга эътиборни қаратиш орқали биз тайёрлаёт кадрларимиз таълим муассасаларида ўқувчиларни ижодий ишларига йўналтириш ва тўгарак машғулотларида уларга раҳбарлик қила олиш қобилиятларини такомиллаштириш долзарб масала деб қаралади.**

**3. Мустақиллик даврининг ilk йиллариданоқ таълим-тарбияга катта эътибор қаратила бошланди.** «Таълим тўғрисида»ги Конун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг асосий мақсади - юртимиз келажаги учун муносиб кадрлар тайёрлашга қаратилган. Таълим жараёнидаги ислоҳотлар туфайли қисқа давр ичида Ўзбекистон таълим соҳасида жаҳондаги етакчи мутахассислар эътироф этган ютуқларга эришди.

Касб-хунарга йўналтиришнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

**Касбий маълумотлар бериш:** ўқувчиларга замонавий ишлаб чиқаришнинг турлари, меҳнат бозори ҳақида тушунчалар бериш ҳамда касбларнинг одамларга қўядиган талаблари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш; касб-хунар таълими муассасалари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашнинг асосларини яратиш.

**Касбий маслаҳатлар бериш:** ўқувчи ёшларни қизиқишилари, мойиллиги, туғма лаёқати, қобилияти, кўникмалари, оиласи мухит, худудий шарт-шароитлар, ўқувчи ва ота-оналарнинг истак ва ҳоҳишилари, касбга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, малакали касбий маслаҳатлар беришни ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш.

**Касбий ташхис:** шахсни индивидуал психологик ва физиологик хусусиятларини, ёши, билим даражаси, кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда якуний ташхис қўйиш; (ташхис материаллари маҳфий ҳисобланиб, у фақат ўқувчи ва унинг ота-онаси билан муҳокама этилади)

ўқувчининг касбий майиллигини аниқлаш, шахснинг йўналганлик даражасиниadolатли баҳолаш.

**Касбга йўналтириш:** психологияк, психо-физиологик ва тиббий ташхис натижалари асосида шахснинг психологик, психофизиологик ва физиологик хусусиятларига мос келадиган касбий тайёрлов йўналишлари тўғрисида унга тавсиялар бериш; жамият эҳтиёжи ва меҳнат бозори талаблари асосида уларнинг ўз қизиқишилари, қобилияtlари ва соғлиқларига мос бўлган касб-хунарларни танлашларига кўмаклашиш; ўрнатилган меъёрий талаблар асосида шахсни ўзи танлаган аниқ бир касбга лойиклик даражасини аниқлаш;

**Касбий мослашув:** шахснинг мутахассис бўлиб етишишига, ундаги тегишли ижтимоий ва касбий сифатларнинг шаклланишига, фаол ижодий меҳнат қилишга, берилган кўрсатма ва талабларнинг бажарилишига ҳамда юқори касбий малакага эришишига имкон яратувчи тадбирлар тизимини яратиш, турдош касблар ичидан шахсга мақбул бўлган касбни танлашида кўмаклашиш.

Мазкур Низомда **касб-хунарга йўналтириш ишларининг иштирокчилари** аниқ белгилаб қўйилган булар қуйидагилар:

Ўқувчилар; ота-оналар; таълим муассасаси; касбга йўналтирувчи; касб-хунарга йўналтириш хизмати мутахассислари; ўқитувчилар; синф раҳбари; мактаб шифокори; кутубхона мудири; жамоат ташкилотлари; касб-хунар таълими муассасалари; корхоналар; меҳнат органлари, худудий бошқарув органлари (ҳокимлик), маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари, оммавий ахборот воситалари.

Ўқувчи-ёшларни онгли касб танлаш ишларини жонлантириш ва бунда психолог билан биргаликда ота-оналар ва фан ўқитувчилари фаоллигини ошириш зарур. Мавжуд академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув даргоҳлари билан ҳа мкорликда ўқувчиларнинг онгли касб танлашларига ёрдам берувчи “Очиқ эшиклар куни”, “Меҳнат ярмаркалари” ва “Касблар фестивали” каби тадбир ва учрашувларни ташкил қилиш ва бу жараёнга етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларда ёшлигидан бошлаб касблар оламига доир билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш бу мақсадда ота-оналар билан олиб бориладиган ишларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Мактаб раҳбарияти ва амалиётчи психологлар масъуллигида ўқувчи-ёшлар ўртасида онгли касб танлашга эришиш учун индивидуал ва гурухий маслаҳатларни кўпроқ ташкил қилиш керак. Таълимга компетенциявий ёндашув йўналишида олиб борилаётган ишларни жонлантириш, ўқувчиларда касбий тасаввурни шакллантиришда мактабда ўқитиладиган фанлар доирасида

амалий малака ва кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хуроса қилиб айтадиган бўлсак, шахсда касбий тасаввурларни шаклланганлиги, касбий қизиқиши ва бўлажак касб тўғрисида онгли қарор қабул қилиш асосида белгиланиши мумкин. Шахснинг ўз кучи ва қобилиятига ортиқча баҳо бериши, ўйламасдан қарор қабул қилиши – ўзи севмаган касбини танлашга сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчиларда касблар ҳақидаги ахборотларнинг етарли эмаслиги, бу борадаги тасаввурларнинг йўқлиги касб танлаш юзасидан қарор қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

### **Назорат саволлари:**

1. Технология таълим мининг замонавий тадқиқот йўналишларини айтиб беринг.
2. Техник ижодкорликни ривожлантириш технологияларини айтиб беринг.
3. Касб танлаш ва касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш муаммоларини изоҳлаб беринг.
4. Касбий маслаҳатлар бериш деганда нимани тушунасиз.
5. Касбий ташхис деганда нимани тушунасиз.
6. Касбга йўналтиришнинг таърифини айтиб беринг.
7. Касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг иштирокчиларини санаб беринг.

### **З-мавзу: Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялаш.**

Режа:

1. Технология фанининг Концепцияси.
2. Давлат таълим стандарти (таълим босқичлари бўйича таълим мазмуни, мақсади, вазифалари, тузилиши).
3. Умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқув дастури (синфлар бўйича ўқув соатлари, мавзулар тақсимоти).
4. Янгидан яратилган методик қўлланма ва дарсликлар мазмуни.

*Таянч иборалар: концепция, давлат таълим стандарти, ўқув дастури, таълим босқичлари, таълим мазмуни, мақсад, вазифа, умумий ўрта таълим мактаби, ўқув соатлари, мавзулар тақсимоти, методик қўлланма, дарслик, методик тавсия, касб-ҳунар, муаммоли топширик, таҳлил.*

1. **Технология фани Концепцияси.** Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари,

жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки билим, меҳнат кўникмалари, малакаларини, меҳнатга қизиқиши ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни қадрлашга, уларнинг аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида яшаш манбай бўлган меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифат ва тафаккурларини ривожлантириш, қизиқиши, майл ва қобилиятига хос касб-хунар танлашига замин яратиш технология фанининг асосий мақсади ҳисобланади.

Технология фани бошқа ўкув фанларидан ўзининг қатор хусусиятлари билан тубдан фарқ қиласди:

- ✓ фани ўқитишида амалий мазмун устуворлиги;
- ✓ ишлаб чиқариш билан бевосита узвий ва чамбарчас боғлиқлиги;
- ✓ мужассам фан эканлиги, яъни уни ўқитишида ўндан зиёд ўкув фанлари билан алоқадорлиги ҳамда бир неча мустақил фанларни қамраб олганлиги;
- ✓ ўқитишида ўғил ва қиз болалар меҳнатининг ўзига хослиги;
- ✓ шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий техника жиҳатдан таъминланганлик даражасига боғлиқлиги;
- ✓ технология таълимида ва касбга йўналтириш ўқитувчи ва усталар касбий маҳоратининг шаклланиши билим, кўникма ва малакаларининг ўзига хослиги;
- ✓ ўқувчиларни ilk макtab ёшиданоқ касб-хунарга йўналтириш ишлари амалга оширилиши;
- ✓ касб танлашга йўллаш ишлари технология фани дарсларининг 1-9-синфларида олиб борилиши;
- ✓ технология фани ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичи ўрта маҳсус касб-хунар колледжларида ўқиши давом эттиришга замин яратади.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари технология фанидан 1-9-синфларда ишлаб чиқариш ва аграр соҳаларга оид касб-хунарлар билан танишадилар, фаолиятини ўрганиш билан бирга, уларнинг иш услубларини ўрганадилар. Бунда ўқувчилар металл ва металлмас буюмларга ишлов бериш усулларини (чизма чизиш, лойиҳалаш, конструкциялаш, қирқиш, бириктириш, елимлаш, пардозлаш, дизайнерлик, бичиши-тикиш, тўкиш ва бошқалар) бажариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиради.

Бу борада ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим давлат стандарти технология таълимининг мазмунини, таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг зарур ва етарли даражасини, ўкув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти мамлакат худудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади, ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Ўқувчи таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда кенгроқ, чуқурлаштирилган билим олишга ва юқори рейтинг бали тўплаш хуқуқига эга. Натижада, қийин ёки ўқувчи хуш кўрмайдиган предметни ўрганишда унда стандартда белгиланган меъёр билан чекланишга имкон берилади. Бунда ўқувчи ўзининг қизиқиши, лаёқати, қобилиятини рўёбга чиқариш, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил танлаш имконига эга бўлади.

Технология фанининг давлат таълим стандарти ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талабларнинг очик бўлишини назарда тутади. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатидан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

Хозирги кунда дунё бўйича ривожланган давлатлар аграр ишлаб чиқаришдан саноат ишлаб чиқаришга, яъни янги техника ва илғор технологияларга асосланган электротехника ва электроника, робототехника, автоматлаштирилган саноат ишлаб чиқариш давлатига ўтиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутахассисларнинг техникавий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларнинг бошланғич кўникмалари айнан умумий ўрта таълим мактабларининг технология дарсларида шакллантирилади.

Технология фанини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Истиқлолга эришган мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар халқ таълими тизимини, жумладан, умумий ўрта таълим мазмунини давр нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг йўналишларини ишлаб чиқиши тақозо этмоқда. Бундай янгиланиш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида амалга оширилмоқда.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш, таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари яратилди.

Давлат таълим стандартининг бош мезони – бу таянч ўқув режасидир. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган таянч ўқув режасида белгиланган ҳар бир ўқув фанидан давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди. Давлат таълим стандарти асосида таянч ўқув режасида ажратилган дарс соатларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир ўқув фанидан дастурлар яратилди.

Янгиланган таълим мазмунининг ҳаётда тўлақонли ўз ўрнини топиб, кутилган натижаларни бериши учун тажриба-синовдан ўтказилиши, синов натижалари асосида такомиллаштирилиши, ундан кейингина амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ равишда умумий ўрта таълим мактаблари учун ишлаб чиқилган тажриба-таянч ўқув режаси, давлат таълим стандарти лойиҳалари, синов ўқув дастурлари ҳамда баҳолашнинг рейтинг усули тажриба-синовдан ўтказилди.

Яратилган давлат таълим стандарти лойиҳалари синов дастурлари орқали Республика даражасида тажриба-синовдан ўтказилди. Бунинг учун таълим стандарти асосида тузилган синов ўқув дастури бўйича ҳар бир дарс мавзуси синовдан ўтказилди. Мавзу давлат таълим стандартига мос келиши, ўқувчилар ёшининг психо-физиологиясига мослиги, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражаси ва сифат кўрсаткичи, мавзуни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар тажриба-синов жараёнида экспериментатор ўқитувчилар томонидан аниқлаб берилди.

#### Технология фанининг мақсад ва вазифалари

Технология фани – мутахассис-ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажариладиган маҳсус фан сифатида ўқувчининг политехник дунёқарашини шакллантиради, материалларни қайта ишлашнинг янги замонавий техника ва технологиялари тўғрисида тасаввурларга эга бўлади, касб-хунарлар ҳақида маълумот беради ва касб танлашга йўналтиради, илк мактаб ёшидан меҳнатга ижодий ёндашишга, мустақил ишлашга, тежамкорликка, ўзини ва ўзгаларни назорат қилишга ўргатади, эстетик маданиятини ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифатлари ва тафаккурларини ривожлантиришга қаратилган ўқув фани ҳисобланади.

#### Технология фанининг мақсади ва вазифалари:

ўқувчиларда умуммеҳнат кўникума ва малакаларни шакллантириш, уларнинг қизиқишлиари, касбий майилликларига кўра, касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган хислатларини, умуммеҳнат маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;

мамлакат халқ хўжалигининг турли соҳалари, уларда ишлатиладиган техника ва технология, электротехника, электроника, автоматлаштириш тўғрисида билимлар бериш, меҳнат фаолиятининг турли соҳалари билан амалий меҳнат орқали яқинроқ танишишларига имкон яратиш, уларни харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларига ўргатиш;

юқори синфларда технология фани ишчи мутахассисликларнинг касбий фаолиятида қўлланиладиган, турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламалардан фойдаланишни ўргатиш; механизациялаштирилган ва электротехника, электроника, автоматлаштириш, робототехника воситалар билан ишлашни; технологик билим ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена қоидалари асосларини ўргатиш;

ўлчаш-текшириш асбобларидан фойдалана олиш, меҳнат амалиётини бажариш, олинган натижаларни қўйилган талаблар билан таққослаш орқали хулоса чиқаришга ўргатиш;

халқ хунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни билимга интилиш ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат кишисига нисбатан ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, рақобатбардош истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга ва етиштирилган маҳсулотларни истеҳмолчиларга етказиш воситаларини ўргатиш, иш бошқарувчи унсурларини, хомийлик, ишбилармонлик сифатларини шакллантириб бориш ва ривожлантириш;

технология ва касбгача тайёрлаш жараёнларида ахборот технологиялари ва компьютер техникаси, янги технология ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларини замонавий талаблар даражасида ва жаҳон тажрибаларига мос ҳолда ўрганишларини таъминлаш.

Технология ва касб-хунарга йўналтириш жараёнлари олдига қўйилган юқоридаги вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат таълим стандарти орқали амалга оширилади.

Технология фанини ўқитишда унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнининг асосини ташкил қилувчи қўйидаги дидактик ва ўзига хос маҳсус тамойилларга таянмоқ зарур:

Умумдидақтик тамойиллар:

таълимнинг илмийлиги;

таълимнинг тарбиявийлиги;

ривожлантирувчилиги;

фан ва амалиётнинг бирлиги;  
мунтазамлилик, тизимлилик ва изчиллик;  
кўрсатмалилик;  
тушунарлилик;  
узвийлик;  
онглилик ва фаоллик;  
таълим мазмунининг ўзгарувчанлиги;  
билим ва иш ҳаракат усулларининг асосланганлиги;  
таълим мақсади, мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари,  
воситаларининг уйғунлиги ва бошқалар.

Махсус тамойиллар:

таълимнинг технологик мазмундалиги;  
касбий йўналганлик;  
технология ва касб таълимининг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги;  
назарий билимлар ва амалий иш ҳаракат усулларини шакллантиришнинг  
унумли меҳнат билан қўшиб олиб борилиши;  
меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш.

Технология фанининг мазмуни.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасида технология ўқув  
фанига 1-4 синфларда хафтасига 1 соатдан, 5-7 синфларда хафтасига 2  
соатдан ва 8-9 синфларда хафтасига 1 соатдан, ҳаммаси бўлиб 408 соат вақт  
ажратилади.

Ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида касб-хунарга йўналтиришни  
янада кучайтириш, уларни бадиий меҳнат йўналишлари, уй-рўзғор  
буюмларини таъмирлаш, замонавий ишлаб чиқариш асослари, металл ва  
металмас ҳамда газламага ишлов бериш технологияси, пазандачилик, халқ  
хунармандчилиги асослари, рўзғоршунослик, электротехника ишлар, касб-  
хунарга йўллаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш кўзда  
тутилган.

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий-эстетик диди ва дунёқарашини  
кенгайтирадиган, оиласиий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида  
кўрсатилган бўлимлар ўқувчиларда миллий маданият ва анъаналарга меҳр-  
муҳаббат уйғотади.

8-9 синфларда халқ хунармандчилиги технологияси, рўзғоршунослик  
асослари, электроника асослари, касб-хунарларга йўналтириш бўлимлари  
таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар  
таълими йўналишларини онгли равишда танлашларига кўмаклашади.

Умумтаълим мактабларида технология фани юқори босқичлардаги таълим муассасаларида касб-хунар таълими ва тарбиясини амалга оширишнинг негизи бўлиб, унинг мазмуни асосан қуидаги йўналишларни ўз ичига олади.

I-IV синфлар – кенг кўламда ишлатиладиган турли хил оддий материаллар (қофоз, рангли қофоз, картон турлари, поралон, пенопласт, пахта ва матолар қийқимлари, пластилин, симлар ва бошқ.) билан таништириш, буклаш, қирқиши, елимлаш, бичиш, тикиш, тўқиши усуллари орқали кичик ҳажмдаги ўйинчоқлар ва оддий буюмлар ясаш, халқ ҳунармандчилиги тўғрисида бошланғич тушунчалар бериш, ўқувчиларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш, уй-рўзғор буюмларининг кичрайтирилган нусхаларини (моделлар, макетлар) тайёрлашни, буюмларни ясаш йўллари, услублари ўрганилади.

V-IX синфларда учта “Технология ва дизайн”, “Сервис хизмати” ҳамда “Умумлашган (ўғил ва қиз болалар)” йўналишлари бўйича ташкил этилади ва 5-7 синфларда хафтасига 2 соат, 8-9 синфларда 1 хафтасига 1 соатдан дарслар ўқитилиди.

Ушбу ҳар бир технология фани йўналишлари халқ ҳунармандчилиги технологияси, рўзгоршунослик асослари, электроника асослари, касб танлашга йўналтириш билан якунланади.

Технология ва дизайн. Бу йўналиш бўйича ташкил қилинган таълим жараёнида ўқувчилар турли материаллар (ёғоч, металл, пластмасса ва бошқалар)нинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларга эга бўладилар: уларни режалаш, арралаш, тешиш, йўниш, пардозлаш ишлари ва уларда ишлатиладиган асбобларнинг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машинашунослик элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, электроника, автоматлаштириш, технологик хариталар, уларни тузиш, электротехника ишлари, уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш, меҳнат қонунчилиги ва хавфсизлик техникиси қоидалари, санитария- гигиена талаблари тўғрисида назарий билимларга эга бўладилар.

Металл ва металлмас буюмлар билаш ишлашни ўрганиш жараёнида ўқувчилар турли асбоблар билан ишлаш, амалий кўникмаларни, технологик хариталар билан ишлаш, рўзғорбоп ва харидоргир буюмларни ишлаб чиқаришни ўрганиш бўйича асосий тушунча, техникавий андозалар (шаблонлар) ҳамда бошқа турдаги кўникма ва малакаларни эгаллайдилар.

Сервис хизмати йўналиши. Ушбу йўналиш бўйича қуидагиларга эга бўлиш талаб этилади:

озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш ошпазчилик ва қандолатчилик асослари; озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаётидаги роли, хусусиятлари, тўйимлилиги, турлари, овқатланиш меъёрлари ва тартиби; таомлар турлари, миллий таомлар, ошхоналарнинг жиҳозланиши, озиқ-овқат саноати, санитария- гигиена талаблари ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидалари; тикувчилик асослари, газламаларга ишлов бериш, кийимлар турлари ва аҳамияти, бичиш-тикиш, тўқиши, буюмларни таъмирлаш, дизайнерлик ишлари, тикув машиналари, йигириув-тикув машиналарининг турлари, умумий тузилиши ва ишлаши;

уй-рўзғор юритиш асослари, уй-рўзғор жиҳозлари каби қисмлардан иборат бўлиб, қуидаги назарий билимларни ўргатиши назарда тутади: озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларида кенг таркалган касблар, уларнинг тавсифлари, оила жамғармаси ҳамда уларни сарфлаш, қизлар болалар гигиенаси. Ўқувчилар қуидаги кўникма ва малакаларни эгаллайдилар: озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиши, ташиши, сақлаш ҳамда уларга дастлабки ва асосий ишлов бериш; турли уй- рўзғор асбобларини ишлатиш; турли таомлар тайёрлаш; замонавий майший уй-рўзғор техника воситаларини ишлатиш; кийимларни бичиш, тикиш, тузатиш, таъмирлаш.

Рўзғоршунослик асослари бўлими – уй йиғишириш, ётоқхона, кийим, китоб жавонларини тартибга келтириш қоидалари. Кийимларни таъмирлашда апплекация усули (ямоқ солиш);

- ошхона асбоб-ускуна, мослама ва жиҳозларни ювиш ва сақлаш усуллари;

шахар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти тизими ва ундан фойдаланиш қоидалари. Уй ва хонадонларни таъмирлаш ишларининг асосий турлари. Таъмирлашда қолланиладиган замонавий қурилиш материаллари. Уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари. Қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-хунарлар тўғрисида маълумот;

мебел ва уни жойлаштириш, тозалаш, сақлаш қоидалари. Майший кимёвий восита турлари ва улардан фойдаланиш қоидалари. Кийимларни тозалаш ва сақлаш қоидалари;

ошхона, ҳаммом, ҳожатхоналарни тозалаш қоидалари ва санитария- гигиена талаблари. Майший техника ва улардан фойдаланиш қоидалари. Кийимларни дазмоллаш (шим, кофта, юбка, пальто) қоидалари. Уй-рўзғор буюмлари (ўрин- кўрпа, гилам, линолеум, сумка, чемодан) ва улардан фойдаланиш, сақлаш қоидалари;

қишки мавсумга тузламалар тайёрлаш. Интернер дизайн. Уй-рўзғор асбобларини (лампочка, розетка) тузатиш ишлари. *Иссиқлик, электр, сув*

*таъминоти ва оқава сув қувурлари системасидан тўғри фойдаланиши қоидалари.* Замонавий кран, вентил ва сув оқизиши.

Халқ ҳунармандчилиги асослари: ўқувчиларга йўналишлар бўйича халқ ҳунармандчилиги технологиялари; ҳунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истиқболлари; ҳунармандчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари; ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар; халқ ҳунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари; замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Электротехника ишлари: ўқувчилар электр монтаж ишларида иш ўрнини ташкил қилиш; электр ўтказиш симларининг турлари; электр ўтказгичларни монтаж қилиш изоляциялаш ишлари; электр асбоблари; майний электр асбобларини электр манбаига улаш, уларнинг атроф-мухит ва инсон соғлигига таъсири; электр энергиясини тежамли ишлатиш усуллари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш ўрнини ташкил қилиш; кавшарлашда симлар, кавшар, флюслар турлари; кавшарлаш асосида электр монтаж ишларини бажариш иш асбоблари ҳамда иш усуллари; электр монтаж иш асбоблари турлари ва уларда ишлаш усуллари; электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлаш; электротехник ҳамда электрон ускуналарни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, асбобларни электр монтаж қилиш ва ишга туширишга тайёрлаш ҳамда шу соҳага оид касб-ҳунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Электроника асослари: электроника элементлари. Резистор ва конденсаторларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принципи. Резистор ва конденсаторларни кетма кет, параллел ва аралаш улаш. АВО метр ёрдамида умумий сифим ва қаршиликни ўлчаш. Яримўтказгичли қурилмалар (диод, транзистор, тиристор, фотодиод, варикап, светодиод ).

яrim ўтказгичли диод ва унинг қўлланилиши. Яrim ўтказгичли диод билан танишиш. Ўзгарувчан ток тўғирлагичини тайёрлаш. Ҳаракатланувчи қурилмалар тайёрлаш. Ҳаракатланувчи қурилмалар тайёрлаш. Автоматиканинг асосий тушунча ва атамалари. Автоматик қурилмалар (автоматик назорат, автоматик бошқариш, автоматик ростлаш). Автоматик қурилмаларнинг асосий элементлари. Содда автоматик қурилмаларни тайёрлашни ўрганиш (биметалл датчик).

Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш бўлими: ўқувчилар пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ҳамда кичик таъмирлаш; ойна ромларини кичик таъмирлаш ва қишида иссиқликни сақлаш усуллари; хизмат кўрсатиш соҳаларига оид касб-хунар турлари; пол қопламалари ва мебелларнинг лакланган ҳамда қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари ва кичик таъмирлаш иш усуллари; юртимиз меъморчилиги тарихи, хона интерьери ва жиҳозланиш дизайни; соҳага оид юртимизда таркиб топган анъаналар ҳамда замонавий тараққиёт йўналишлари; хоналар, фан бўйича ўқув кабинетларида мебел ва қўшимча жиҳозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда эскизларини тайёрлаш; таклиф этилган ечимлар асосида хоналарни жиҳозлаш; шахар ва қишлоқ уйларида сув, газ, электр энергияси, иссиқлик таъминоти тизими ҳамда ундан фойдаланиш қоидалари; уй ва хонадонларни таъмирлаш ишларининг асосий турлари; таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материаллари; уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган асосий иш асбоблари; сув таъминоти тизими, сув қувурлари, вентил ва жўмракларни созлашда майда таъмирлаш ишларини бажариш; қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ касб-хунарлар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Ишлаб чиқариш асослари: ўқувчилар Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш турлари ва таркиби, уларнинг бир-бираига боғлиқлиги; ишлаб чиқариш технологияси; ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик ҳужжатлар; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилиш, ўлчаш ва таққослаш технологиялари; замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги; тежамкорлик ва ишбилармонлик асослари; табиатни муҳофаза қилиш; саноат миқёсида кўп серияли ишлаб чиқариш учун тавсия этиш мумкин бўлган маҳсулот намунасини тайёрлаш.

Касб-хунарга йўналтириш асослари. Касбларни танлаш мақсади, шартшароитлари, касблар таснифлагичи. Касб танлаш формуласи, касбий тавсифнома. Ўзбекистонда касблар туркумлари: Одам-одам; Одам-техника; Одам-табиат; Одам-белгилар тизими; Одам-бадиий образ. Касбий маҳорат асослари. Касб-хунар йўналишини танлашда қизиқиш, мойиллик, қобилият, касбий яроқлиликтининг аҳамияти билан босқичма-босқич таништириб бориш.

Ўқувчиларнинг худудий, географик, маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, ўрта маҳсус, касб-хунар ўқув муассасаларида ўзлари қизиқкан соҳалар йўналишини (академик лицейларда ўқиш йўналишини), ихтиёрий танлашларига ёрдамлашиш. Соғлигини танлаган касбига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олиш. Келгуси касбий ҳаёт йўлини онгли танлай олиш кўникмаларини шакллантириш.

Ўқувчиларнинг унумли меҳнат жараёнида иштироки.

Ўқувчиларнинг технология фанига оид ўқув режа ва дастурлари орқали ўқув муассасаларида оладиган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалари турли шаклларда ташкил этиладиган қуидаги унумли меҳнат турлари ва жараёнларида иштирок этишлари орқали мустаҳкамланади:

меҳнат турлари ва соҳалари бўйича мактабда ташкил этиладиган амалий тўгараклар: мактаб устахоналари, лабораториялари, тажриба-синов ва ер майдонлари, ҳомийлик ва оталик корхоналари негизида ташкил этиладиган амалий машғулотлар; мактаб кооперативлари, кичик ва қўшма корхоналарда ишлаш; меҳнат амалиётида қатнашиш; турли хил мулкчилик шаклларидағи ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар ташкил этиш; меҳнат ва ҳосил байрамлари, анжуманлари, кўргазмалари ва шу кабиларни ташкил этиш.

Ўқувчилар меҳнат фаолиятининг бу кўринишларини ташкил этишда ўқувчиларнинг ёши, шахсий, руҳий, физиологик хусусиятлари, педагогик ва методик мезонлар, меҳнат қонунчилиги, санитария-гигиена ва меҳнат хавфсизлиги талаблари, миллий анъаналар ва урф-одатлар, иқтисодий шароитлар ва қонуниятлар ҳисобга олиниши лозим.

Технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Технология фани ўқитувчиларига қўйиладиган касбий талаблар уларнинг касбий тайёргарлиги кўникма ва малакалари даражаси, иш фаолияти шароитлари ҳамда мазмuni каби ўзига хос хусусиятларга эга.

Умумтаълим мактаблари ва ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган технология фани ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги қуидаги таълим муассасаларида амалга оширилади.

Технология фанини ўқитишни ташкил қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг илмий-методик ва моддий-техник таъминоти.

Умумтаълим мактабларида технология фанини ўқитишни ташкил қилишда замонавий талаблардан келиб чиқиб, таълим стандартини ишлаб чиқиш, ўқув режа ва дастурларини, зарур дарсликларни яратиш, тарқатма ва кўргазмали материаллар тузиш, технологиянинг илмий-услубий асосини яратиш жараёни, аввало, ягона тизимга ва тартибга солиниши, бошқарилиши ҳамда энг муҳими, ўқув-тарбия тизимини мазмунан ва шакллан такомиллаштирилиши шу соҳада кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ишларини жадаллаштириши илмий-методик таъминотнинг асосини ташкил этади. Илмий-методик таъминот мактаб услугий кенгашлари, туман, вилоят ҳалқ таълими бўлимлари, тегишли вазирликлардаги илмий-услубий кенгашлар фаолиятлари, илмий-тадқиқот институтларидағи, олий ўқув юртлари кафедраларида олиб борилаётган мазкур йўналишлардаги илмий

изланишлар, тадқиқот-тажриба ишлари билан уйғунлаштирилмоғи ва мувофиқлаштирилмоғи лозим.

Технология фанини амалга оширишнинг ўзига хос асосий шартларидан бири

– унинг барча бўғинларидағи ўқув жараёнини моддий-техникавий, услугбий- дидактик жиҳатдан ҳозирги замон талаблари асосида мажмуавий таъминланишидадир.

Технология фанининг моддий-техник таъминоти; дастгоҳлар, маҳсус бинолар, йўриқномалар, ҳуқуқий ва маъмурий ҳужжатлар мажмуалари, технологик ва хавфсизлик хариталари, турли материаллар, асбоб-ускуналар, мосламалар, энергия манбалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бу таъминотни амалга оширишда давлат ташкилотлари, хусусий, кичик, қўшма корхоналар ва меҳнат жамоалари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик ёрдами жалб қилинса, Технология фанини ўқитишнинг самарадорлиги ортади.

Технология таълими ва касб-хунарга йўналтириш ишларининг узвийлиги.

Технология фани ва касб-хунарга йўналтириш ишларини узлуксиз тизими оиладаги ва мактабгача таълим муассасаларидағи, умумтаълим мактаблари, касб- хунар таълими, ўрта маҳсус, олий ва мустақил таълимни; илмий ва илмий- педагогик ходимлар тайёрлаш, мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш каби босқичларини ўзига камраб олади.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларни ҳаётга, меҳнатга ва маълум турдаги касбларга тайёрлашда технология фани ва касб-хунарга йўналтириш ишларини узвийлиги муҳим аҳамият касб этади. Умумтаълим мактабларида технология фани дарсларида олган билим, кўникма ва малакалари юқори VIII-IX синфларда “Халқ хунармандчилиги асослари”, “Касб-хунарга йўналтириш ишлари” бўлимларини ҳамда оммавий ва анъанавий касб йўналишлари бўйича технология фанининг амалий йўналишларини ўргатиш жараёнида қисман ихтисослаштирилиб борилади.

Технология фани ва касб-хунарга йўналтириш ишларининг амалий фанлари дастлаб бошланғич таълим йўналишидан бошлаб оддийдан мураккабга қараб тамойили асосида чуқурлаштирилган ҳолда, VIII-IX синфларда халқ хўжалигининг турли тармоқлари (саноат, машинасозлик, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш, алоқа ва санъат) ва халқ хунармандчилигини ўрганиш билан биргаликда бошланғич касб-хунар кўникма ва малакаларини шакллантиришини назарда тутилади.

Ўқувчилар технология фани жараёнида амалий машғулотларида олган ихтисослашган билим, кўникма ва малакаларни касб-хунар коллажларида соҳага оид касб-хунарларни ўрганишда кенгайтирадилар ва ривожлантирадилар.

Технология ва касбий таълимнинг ихтисослашган босқичларидан ўтган ёшлар ўз мутахассисликларини хоҳишларига ва қизиқишиларига қараб, коллаж, олийгоҳлар, бакалавриатура, магистратура ва докторантураларда такомиллаштиришлари мумкин.

Технология фанининг истиқбол тараққиёти.

Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг технология таълими ва касбий тайёргарлигини амалга ошириш технология фани ва касб-хунарга йўналтиришнинг истиқбол тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Технология фанининг истиқбол тараққиёти янги педагогик технологиялар ва дидактик тизимлар яратилиши ҳамда бевосита узлуксиз таълим амалиётига қўлланиши билан белгиланади.

Янги дидактик (ўқишиш ва ўқитиши) тизимлар технология фанида қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

таълим-тарбиядаги педагогик технологиялар, қўлланиладиган меҳнат воситалари, қуроллари, қурилма ва мосламалар, ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини қўллаш;

хорижий ривожланган давлатларда қўлланилаётган илғор педагогик технологиялар тажрибаларидан республикамиз хусусиятига мос келадиганларини такомиллаштириб, қайта ишлаб, таълим жараёнида қўллаш;

давлат ва хусусий таълим муассасаларидағи умумий ва хунар таълими тизимларидан намуналар танлаб олинади, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини белгилашда тест, рейтинг каби баҳолаш усулларидан фойдаланиш;

ўқувчиларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан камол топишига, жамиятда ишлаб чиқариш жараёнида автоматика, электроника, робототехника соҳаларининг ривожланишига, замонавий мутахассислар гурӯҳи шаклланишига замин яратади.

Технология фанидаги янги мазнун ва ислохотларни амалга оширишида, турли ўқув-тарбиявий, ишлаб чиқариш тадбирларини амалга оширилишида вазирлик, мактаб, оила, жамоатчилик хусусий ва давлат тасарруфидаги муассасалар, фирмалар, концернлар, бирлашмалар фаол иштирок этадилар.

Технология фанида янги дидактик тизимлар ўқитилаётган фанларнинг мазмуни, шакли, усуллари, йўллари ва воситаларини дастурли таълим асосида янгиланишини амалга оширилади.

Технология фанининг мазмуни, вазифаси ва ташкил этиш шакллари ягона таълим стандартида акс эттирилади.

Технология фани концепциясини амалиётга жорий этишнинг шарт-шароитлари.

Концепцияни амалиётга татбиқ этиш қуйидаги илмий, методик, ташкилий ва моддий-техник шарт-шароитларни амалга оширишни талаб этади:

Технология фанини ўқитишда узлуксиз таълим тизимининг (узлуксизлик ва узвийлик) тамойиллариға қатъий риоя қилиш.

Таянч ва умумтаълим мактабларидаги технология фанининг мазмуни, мақсади ва вазифаларини, ташкил этиш шаклларини, методлари ва воситаларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш.

Илмий-педагогик ходимлар, мутахассис ўқитувчилар, мураббий-тарбиячилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Технология фани ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиши ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Технология фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиши; технология ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Технология фани давлат таълим стандартини ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиш қобилияларига мос ҳолда ишлаб чиқилиши, уни намунавий ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва турли илмий-услубий ишланмалар мажмуалари билан таъминлаш.

Технология фанининг моддий-техник таъминотини жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқиб мустаҳкамлаш.

Технология фанини ўқитишини такомиллаштириш мақсадида умумтаълим ва бошқа таълим-тарбия муассасалари, вилоят, туман халқ таълими бўлимлари, Республика таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги, Республика Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларининг тегишли кафедраларида олиб борилаётган назарий ва амалий тадқиқот ишларини тизимлаштириш, уйғунлаштириш, марказлаштириш ва мувофиқлаштириш.

Технология фанини ўқитишда республикамиз умумтаълим мактаблари ва хорижий мамлакатларда эришилган илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда амалиётга қўллашда Республиkaning таълим соҳасидаги сиёсати талаблари ҳамда маҳаллий, миллий, этник, худудий хусусиятларни ҳисобга олиш.

Технология фанини ўқитишини янада такомиллаштириш мақсадида меъёрий, методик хужжатлар, зарурий низомлар, йўриқномаларни илғор

тажрибалар асосида тайёрлаш ва ташкилий тадбирларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, ягона марказлаштирилган ҳолда умумдавлат миқёсида жорий этиш.

Иқтидорли ёшларни касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларига кўра касбий маҳорат даражаларини ривожлантиришга шароит яратиш.

Давлат таълим стандарти (таълим босқичлари бўйича таълим мазмуни, мақсади, вазифалари, тузилиши)

Давлат таълим стандартининг мақсади – умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Давлат таълим стандартининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;

миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари ва битиравчиларининг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш; кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

таълим ва унинг пировард натижалари, ўқувчиларнинг малака талабларини эгаллаганлик даражасини тизимли баҳолаш тартибини, шунингдек таълим-тарбия фаолияти сифатини назорат қилишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”даги 187-сонли қарори 1-иловасининг 4-бобида Давлат таълим стандарти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат эканлиги белгиланган:

умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси; умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури; умумий ўрта таълимнинг малака талаблари; баҳолаш тизими.

Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиладиган ўқув фанлари номи, ўқув юкламасининг

минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти белгиланган хужжат ҳисобланади.

Таянч ўқув режа умумий ўрта таълим муассасаларининг дарс жадвалини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Таянч ўқув режа умумтаълим фанлари бўйича белгиланган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатлари (давлат ихтиёридаги ва мактаб ихтиёридаги соатлар)нинг минимал ҳажмини белгилайди.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик кенгашларига дарс жадвалини тузишда таянч ўқув режадаги умумий соатлар ҳажмидан ошмаган ҳолда, маълум бир фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида 15%гача ўзгартириш киритиш хуқуқи берилади.

Умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури таянч ўқув режага мувофиқ ўқув фанларининг синфлар ва мавзулар бўйича ҳажми, мазмuni, ўрганиш кетма-кетлиги ва шакллантириладиган компетенциялари белгиланган хужжат ҳисобланади.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Умумий ўрта таълимнинг малака талаблари умумтаълим фанлари бўйича таълим мазмунининг мажбурий минимуми ва якуний мақсадларига, ўқув юкламалари ҳажмига ҳамда таълим сифатига қўйиладиган талаблардан иборат бўлиб, у қуидагилардан ташкил топади:

Билим-ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш;

Кўникма - ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш;

Малака - ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш;

Компетенция - мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти.

Баҳолаш тизими – давлат таълим стандарти бўйича умумий ўрта таълимнинг малака талабларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг фаолияти самарадорлигини аниқлайдиган мезонлар мажмуидан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”даги 187-сонли қарори З-иловасининг 18-§ да “Технология” фани умумий ўрта таълим муассасаларида технология ўқув фанини ўрганиш босқичлари белгиланган.

**Умумий ўрта таълим муассасаларида Технология ўкув фанини ўрганиш босқичлари**

Таълим босқичи	Битирувчилар	Стандарт даражалари	Даражада номланиши	Синфлар
Умумий ўрта таълим	Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич 4-синф битирувчилари	A1	Технология фанини ўрганишнинг бошланғич даражаси	1-4
	Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич 4-синф битирувчилари	A1	Технология фанини ўрганишнинг бошланғич даражаси	1-4
	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўкув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтинослаштирилган мактабларнинг 4-синф битирувчилари	A1+	Технология фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси	1-4+
	Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчилари	A2	Технология фанини ўрганишнинг таянч даражаси	5-9
	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўкув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтинослаштирилган мактабларнинг 9-	A2+	Технология фанини ўрганишнинг кучайтирилган таянч даражаси	5-9+

	синф бити्रувчилари			
--	---------------------	--	--	--

Умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқув дастури (синфлар бўйича ўқув соатлари, мавзулар тақсимоти)

Умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқув дастурига киритилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, умумий ўрта таълим мактабарида технология фани бошланғич таълим йўналишида умумлашган ҳолда, 5-9-синфларда “Технология ва дизайн”, “Сервис хизмати” йўналишларида ўқитилади.

Технология ўқув фани дастурига киритилган ўзгаришлар:

Технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари янгидан такомиллаштирилди.

Умумий ўрта таълим тизимида умумтаълим фанларини ўрганиш босқичлари киритилди.

Ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенция элементлари киритилди.

“Технология ва дизайн” йўналишибўйича 5-7 синфлар учун “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси” ва “Рўзгоршунослик асослари”, 8-9 синфлар учун “Электроника асослари” бўлимлари янгидан киритилди.

“Сервис хизмати” йўналиши бўйича 5-9 синфлар учун “Рўзгоршунослик асослари” бўлими янгидан киритилди.

9-синф ўқувчиларини касбларни тўғри ва онгли танлашлари орқали келгуси таълим йўналишини мустакил равишда белгилаш компетенцияларини шакллантириш мақсадида “Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишларида биринчи чоракдан бошлаб “Касб танлашга йўналтириш” бўлими ўқитилиши белгиланди.

“Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналиши умумий ўрта таълим мактабларининг таянч ўқув режасида белгиланган “Биология” фанлари таркибида ўқитилади. Мазкур йўналишда берилган мавзулар ботаника, биология ва шу каби табиий фанлар мавзуси билан бир хиллиги, айнан олган билим тажрибада кўникма ва малакага айлантиришга зарурлиги инобатга олиниб, Технология фанининг ўқув дастуридан чиқарилди.

Технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг дастурлари умумий ўрта таълим мактаби дастури билан узвийлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Дастурга киритилган мавзулар ва назорат ишлари алоҳида тартибда ажратиб берилди.

“Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишлари бўлимларига ажратилган соатлар мавзулар мазмуни ва ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда қайта тақсимот қилинди.

Технология фанини ўқитишида бошланғич синфларда “Иқтисод алифбоси”, юқори синфларда “Соғлом авлод асослари”, “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” ҳамда “Иқтисод сабоқлари” ўқув курслари сингдирилди.

Технология фани ўқув дастури билан амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастури таҳлили

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>1-синф</b>					
1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	17	1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	13
2.	Табиий ва турли материаллар билан ишлаш.	10	2.	Турли материаллар билан ишлаш.	4
3.	Газлама ва толали материаллар билан ишлаш.		3.	Пластилин ва лой билан ишлаш.	6
4.	Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.	4	4.	Газмол ва толали материаллар билан ишлаш.	2
	Назорат ишлари учун	2	5.	Бадиий қуриш-ясаш.	8
<b>Жами:</b>		<b>33</b>	<b>Жами:</b>		<b>33</b>

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Мәхнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>2-синф</b>					
1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	<b>9</b>	1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	<b>13</b>
2.	Табиий ва турли материаллар билан ишлаш.	<b>9</b>	2.	Пластилин ва лой билан ишлаш.	<b>4</b>
			3.	Турли материаллар билан ишлаш.	<b>7</b>
3.	Газлама ва толали материаллар билан ишлаш.	<b>4</b>	4.	Газмол ва толали материаллар билан ишлаш.	<b>5</b>
4.	Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.	<b>8</b>	5.	Бадиий қуриш-ясаш.	<b>3</b>
	Назорат ишлари учун		6.	Техник моделлаштириш.	<b>2</b>
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Мәхнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>3-синф</b>					
1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	<b>8</b>	1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	<b>13</b>
2.	Табиий ва турли материаллар билан ишлаш.	<b>7</b>	2.	Пластилин ва лой билан ишлаш.	<b>3</b>
			3.	Турли материаллар билан ишлаш.	<b>2</b>
3.	Газлама ва толали материаллар билан ишлаш.	<b>6</b>	4.	Газмол ва толали материаллар билан ишлаш.	<b>7</b>
4.	Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.	<b>9</b>	5.	Бадиий қуриш-ясаш.	<b>7</b>
	Назорат ишлари учун		6.	Техник моделлаштириш.	<b>2</b>
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

**Технология фани ўқув дастури билан амалдаги  
Мехнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>4-синф</b>					
1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	8	1.	Қоғоз ва картон билан ишлаш.	10
2.	Табиий ва турли материаллар билан ишлаш.	6	2.	Пластилин ва лой билан ишлаш.	5
3.	Газлама ва толали материаллар билан ишлаш.		3.	Турли материаллар билан ишлаш.	5
4.	Бадиий қуриш-ясаш ва техник моделлаштириш.	8	4.	Газмол ва толали материаллар билан ишлаш.	7
	Назорат ишлари учун	4	5.	Бадиий қуриш-ясаш.	5
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

**Технология фани ўқув дастури билан амалдаги  
Мехнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>5-синф</b>					
<b>Технология ва дизайн йўналиши</b>					
1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	30	1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	42
2.	Полимер материалларга ишлов бериш технологияси.	5	2.	Металга ишлов бериш технологияси.	18
3.	Металлга ишлов бериш технологияси.	12	3.	Электротехника ишлари.	4
4.	Электротехника ишлари.	10	4.	Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш.	4
5.	Рўзғоршунослик асослари.	3			
	Назорат ишлари учун	8			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>
<b>Сервис хизматийўналиши</b>					
1.	Пазандачилик асослари.	16	1.	Пазандачилик асослари.	18
2.	Газламага ишлов бериш	42	2.	Газламага ишлов бериш	48

	технологияси.			технологияси.	
3.	Рўзгоршунослик асослари.	2	3.	Буюмларни таъмирлаш технологияси.	2
	Назорат ишлари учун	8			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>

**Технология фани ўқув дастури билан амалдаги  
Меҳнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

№	Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида	Соати	№	Амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастурида	Соати
---	--------------------------------------------------------	-------	---	---------------------------------------------------	-------

**6-синф**

**Технология ва дизайн йўналиши**

1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	27	1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	40
2.	Полимер материалларга ишлов бериш технологияси.	6	2.	Металга ишлов бериш технологияси.	18
3.	Металлга ишлов бериш технологияси.	13	3.	Электротехника ишлари.	6

4.	Электротехника ишлари.	10	4.	Уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш.	4
5.	Рўзгоршунослик асослари.	4			
	Назорат ишлари учун	8			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>

**Сервис хизматийўналиши**

1.	Пазандачилик асослари.	16	1.	Пазандачилик асослари.	18
2.	Газламага ишлов бериш технологияси.	42	2.	Газламага ишлов бериш технологияси.	48
3.	Рўзгоршунослик асослари.	2	3.	Буюмларни таъмирлаш технологияси.	2
	Назорат ишлари учун	8			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>

**Технология фани ўқув дастури билан амалдаги  
Мехнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Мехнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>7-синф</b>					
<b>Технология ва дизайн йўналиши</b>					
1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	<b>27</b>	1.	Ёғочга ишлов бериш технологияси.	<b>38</b>
2.	Полимер материалларга ишлов бериш технологияси.	<b>6</b>	2.	Металга ишлов бериш технологияси.	<b>18</b>
3.	Металлга ишлов бериш технологияси.	<b>13</b>	3.	Электротехника ишлари.	<b>8</b>
4.	Электротехника ишлари.	<b>10</b>	4.	Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш.	<b>4</b>
5.	Рўзғоршунослик асослари.	<b>4</b>			
	Назорат ишлари учун	<b>8</b>			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>
<b>Сервис хизматийўналиши</b>					
1.	Пазандачилик асослари.	<b>16</b>	1.	Пазандачилик асослари.	<b>18</b>
2.	Газламага ишлов бериш технологияси.	<b>40</b>	2.	Газламага ишлов бериш технологияси.	<b>46</b>
3.	Рўзғоршунослик асослари.	<b>4</b>	3.	Буюмларни таъмирлаш технологияси.	<b>4</b>
	Назорат ишлари учун	<b>8</b>			
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>

**Технология фани ўқув дастури билан амалдаги  
Мехнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Мехнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>8-синф</b>					
<b>Технология ва дизайн йўналиши</b>					
1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>8</b>	1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>14</b>
2.	Электроника асослари.	<b>9</b>	2.	Ишлаб чиқариш асослари.	<b>16</b>

3.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>13</b>	3.	Касбга йўналтириш асослари.	<b>4</b>
	Назорат ишлари учун	<b>4</b>			
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

### **Сервис хизматийўналиши**

1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>8</b>	1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>14</b>
2.	Рўзгоршунослик асослари.	<b>9</b>	2.	Ишлаб чиқариш асослари.	<b>16</b>
3.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>13</b>	3.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>4</b>
	Назорат ишлари учун	<b>4</b>			
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

### **Технология фани ўқув дастури билан амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастури таҳлили**

<b>№</b>	<b>Таклиф этилаётган Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Меҳнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>9-синф</b>					
<b>Технология ва дизайн йўналиши</b>					
1.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>14</b>	1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>10</b>
2.	Электроника асослари.	<b>9</b>	2.	Ишлаб чиқариш асослари.	<b>16</b>
3.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>7</b>	3.	Касбга йўналтириш асослари.	<b>8</b>

	Назорат ишлари учун	<b>4</b>			
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

<b>Сервис хизматийўналиши</b>					
1.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>14</b>	1.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>10</b>
2.	Рўзгоршунослик асослари.	<b>9</b>	2.	Ишлаб чиқариш асослари.	<b>16</b>
3.	Халқ хунармандчилиги технологияси.	<b>7</b>	3.	Касб танлашга йўналтириш.	<b>8</b>
<b>Жами:</b>		<b>34</b>	<b>Жами:</b>		<b>34</b>

**Изоҳ:** Технология фани ўқув дастурининг тегишли бўлимларига киритилган ўзгаришлар юқори ташкилотлар ва мутахассислар томонидан берилган таклифларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув дастурлари таҳлили**

<b>№</b>	<b>Технология фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>	<b>№</b>	<b>Амалдаги Мехнат таълими фани ўқув дастурида</b>	<b>Соати</b>
<b>1-4-синфлар</b>					
1.	Бўлимлар бўйича	<b>60</b>	1.	Бўлимлар бўйича	<b>68</b>
2.	Назорат ишлари учун	<b>8</b>	2.		
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>
<b>5-7-синфлар</b>					
1.	Бўлимлар бўйича	<b>90</b>	1.	Бўлимлар бўйича	<b>112</b>
2.	Назорат ишлари учун	<b>12</b>	2.		
<b>Жами:</b>		<b>112</b>	<b>Жами:</b>		<b>112</b>
<b>8-9-синфлар</b>					
1.	Бўлимлар бўйича	<b>60</b>	1.	Бўлимлар бўйича	<b>68</b>
2.	Назорат ишлари учун	<b>8</b>	2.		
<b>Жами:</b>		<b>68</b>	<b>Жами:</b>		<b>68</b>

Технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг дастурлари умумий ўрта таълим мактаби дастури билан узвийлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилғанлиги сабабли тақвим- мавзуу режани тузишда осон ва мураккаб мавзулар кетма-кетлиги бўйича ишларни амалга оширишлари лозим.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаби дастури бўлимларида берилган мавзуларга технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактаблар тақвим-мавзуу режасини тузишда эътибор қаратиш лозим бўлади. Масалан: “Сервис хизмати” йўналиши, “Газламага ишлов бериш технологияси” бўлимидаги 37-38-мавзуу. Бофич, белбоғ ва қоплама чўнтакни тикиш (2 соат А2+2 соат).

“Технология ва дизайн” йўналиши, “Халқ ҳунармандчилиги технологияси” бўлимидаги 23-мавзуу. Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (А2, А2+1соат)

24-25-26-мавзулар. Ҳунармандчилик маҳсулотларини ташки шакли узвийлиги ва яхлитлиги таъминланишига кўра баҳолаш. Шахмат доскаси ва доналарини ясаш. (А2, А2+3соат)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги<sup>5</sup>


<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.

140-сонли Қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги

Низом”нинг 4-боб 29-бандига асосан “Малакали ўқитувчилар етарли бўлган V-IX синфларда “Технология” ўқув фанидан ўқувчилар сони 25 нафара ундан зиёд бўлган умумий ўрта таълим муассасаларида икки гурухга бўлиб ўқитишга рухсат этилади”.

Ҳар бир дарс хавфсизлик техникиси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Шунингдек, ўқувчиларга технология фани йўналишлари бўйича касб турлари ҳақида ахборотлар берилади.

**4. Янгидан яратилган методик қўлланма ва дарслклар мазмуни**  
**Методик қўлланмалар мазмунни.** Мамлакатимизда таълим соҳосида амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган технология (мехнат) таълимими мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан хисобланади.



1-4, 5-7 ва 8-9-синфлар учун инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари асосида технология таълими (технология) фанининг “Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишларини ўз ичига қамраб олган мавзулар кесимида дарс ишланмалари белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилиб, методик қўлланма шаклида тайёрланди.

Мазкур методик қўлланма амалдаги Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида мавзулар кесимида тузилган ҳамда замонавий педагогик технологиялардан ҳам самарали фойдаланилган.

Методик қўлланмада ҳар бир мавзуга алоҳида ёндашилган бўлиб, танланган методлардан қандай тартибда фойдаланиш бўйича тавсиялар ҳам келтирилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун тайёрланган методик қўлланмада халқ ҳунармандчилиги, ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўллаш бўйича методик тавсиялар ва иловалар келтирилган бўлиб, мавзуларга мос ҳолда янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Мактаб ўқув устахоналарида машғулотларни ўтказишни режалаштириш ва ташкил этиш, таълимий, тарбиявий ва ривожлантириувчи мақсадларни белгилаш, керакли жиҳозларни машғулотга тайёрлаш ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Шунингдек, қўлланмада технология фанини амалга оширишга оид умумметодик ёндашувлар ва уни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган.

Ушбу методик қўлланмада келтирилган тавсиялар технология фани машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишида технология фани ўқитувчилари, айниқса, ёш ўқитувчиларга яқиндан ёрдам беради.

Технология фанидан 1-4, 5-7 ва 8-9-синфлар учун “Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишларини ўз ичига қамраб олган мавзулар кесимида тайёрланган дарс ишланмалари қўйидаги кетма-кетлиқда ишлаб чиқилди.

Машғулот мавзуси: Дарс мақсади:

Таълимий, тарбиявий, ривожлантириувчи. Шакллантириладиган компетенциялар:


Моддий техник жиҳатдан жиҳозлаш ва кўргазмали қуроллар:  
Фойдаланиладиган методлар:

Янги мавзуни баёни Режа:

Ташкилий қисм – 5 минут

Ўтилган мавзуни такрорлаш – 10 минут

Янги мавзунинг баёни – 50 минут



Toshkent - 2016

Янги мавзуни мустаҳкамлаш – 20 минут

Уйга вазифа бериш – 5 минут

Машғулотнинг бориши

Ташкилий қисм.

Уйга берилган вазифаларни текшириш.

Ўтилган мавзуни такрорлаш.

Янги мавзунинг баёни.

Кириш йўриқномаси: Жорий йўриқнома.

Якуний йўриқнома:

Янги мавзуни мустаҳкамлаш.


Уйга вазифа бериш.

Бундан ташқари технология таълими (технология) фанидан Республика таълим марказининг 2016 йил 30 августдаги 914-сонли мурожаат хати асосида 5-7, 8-9- синфлар учун “Технология ва дизайн” ва “Сервис хизмати” йўналишларини ўз ичига қамраб олган мураккаб мавзулар кесимида дарс ишланмалари тўплами тайёрланди. Дарс ишланмалари тўпламини тайёрлашда мактаб ўқитувчилари томонидан берилган барча тавсиялар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур тайёрланган дарс ишланмалари тўпламида ўқитувчиларга методик ёрдам бўлиши учун кўшимча маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

Муаллифлар О.А.Қўйсинов, Ў.О.Тоҳиров, Д.Н.Маматов, Д.Ф.Ариповалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори билан тасдиқланган “Технология” фанидан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандарти ва Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил

З июндаги “Умумий ўрта таълим мининг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 190-сонли буйруги билан тасдиқланган “Технология” фани ўқув дастури асосида технология фанига янгидан 5-9-синфлар учун “Полимер материалларига ишлов бериш технологияси”, “Рўзгоршунослик асослари”, “Электроника асослари” бўлимлари бўйича ҳам методик қўлланмалар тайёрланиб нашр қилинган.





“Касблар ҳақида маълумотнома” умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ва 10-11-синф ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари учун мўлжалланган.

Мазкур маълумотномада муҳандислик ишлов бериш қурилиш тармоқлари, хизматлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, қишлоқ хўжалик соҳалари тўғрисидаги касбхунарлар тўғрисидаги маълумотлар киритилган

### **Дарсликлар мазмуни.**

Маълумки, 5-синф технология таълими дарслиги 2010 йилдан амалиётга жорий қилинган узвийлаштирилган ДТС ва ўқув дастури асосида нашр қилинган. Технология таълими фани дарслиги инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутувчи амалий меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўришга ёрдам берувчи маълумотларни ўз ичига олади. Ўқувчилар вояга етиб қайси касбни эгаллашмасин, ким бўлмасин, технология таълимидан олган билим ва қўникмаларини уйда, оиласда, иш фаолиятида албатта фойдаланади.

Ўқувчилар технология таълими жараёнида материалшунослик, асбобускуналар, мосламалар ва улардан фойдаланишга оид билимларни ўзлаштирадилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уй-рўзгор буюмларини таъмирлашга оид кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

**Ижодкорлик** - бу янги вояга асосланган моддий ва маънавий бойликларни яратишdir. Ижодий фаолият туфайли инсоният маданияти ривожланиб, тараққий этиб, ҳаётимиз янада қулай ва қизиқарли бўлиб бормоқда. Сизни ўраб турган барча буюмлар, жиҳоз ва ускуналар ижодкор инсонлар томонидан яратилган техник восита ва технологияларнинг маҳсули ҳисобланади. Улар меҳнати натижасида улкан самолётлар, замонавий автомобиллар, катта имкониятларг эга компьютерлар ва биз учун қадрли бошқа неъматлар яратилган. Ўқувчиларимиз ҳам келажакда вояга етиб, танлаган касбини мукаммал эгаллаб, бу тараққиётга ўз ҳиссанларини кўшадилар.

Дарслик “Технология ва дизайн”, “Сервис хизмати” “Қишлоқ хўжалиги асослари” йўналишларида берилган мавзулар асосида тайёрланган. Дарсликка киритилган бўлимлар бўйича ўқувчилар учун касб-хунарлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

2017-2018 ўқув йилида чоп этилиши режалаштирилган 6-7-синф “Технология” дарсликларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича нашрга тайёрланиб “Шарқ” нашриёти томонидан нашр қилинди. Дарсликларга мутахассислар ва амалиётчи ўқитувчилар томонидан берилган хулоса ва таклифлар асосида ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, дурадгорликда ишлатиладиган елим ва бўёқ турлари, хусусиятлари, ишлатилиш соҳаларига оид 11 та, ёғочга ишлов бериш асбобларидан тўғри фойдаланиб, қаламдон ясашга оид 42 та, ёғочдан ясалган буюмларга ишлов бериш усусларига 35 та, ёғочлардан буюмлар ясашда режалаш асбоблардан фойдаланиш, рамка тайёрлашга оид 5 та, электр қўл пармани тузилишига оид 4 та, қутича тайёрлашни технологик харитаси ва хавфсизлик қоидаларига 12 та, қутича устига мато ёки обой елимлашнинг технологик харитаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига оид 2 та, цилиндр шакли даги деталлар эскизини чизиш ва ясаш, эгов дастаси ёки ўқловни тайёрлашга оид 14 та, ёғоч ва бошқа материаллардан халқ ҳунармандчилиги иш усуслари асосида буюмлар ясаш, салфетка учун таглик ясашга оид 3 та расм киритилди.

Полимер лойидан гул ясаш мавзусига оид 15 та, полимерлардан рўзғорда, турмушда, мактабда фойдаланиладиган буюмлар тайёрлаш, мевалар учун тахкакач тайёрлаш мавзусига оид 4 та расм киритилди.

Sh. Sharipov, O. Qo'ysinov, Q. Abdullayeva

Shavkat Sharipov, Odil Qo'ysinov,  
Qumrimisa Abdullayeva

## TEXNOLOGIYA

Umumiy o'rta ta'lif maktablarining  
6-sinfi uchun darslik

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'lifi  
vazirligi tasdiqlagan



"SHARQ" NASHRIYOT-MATBAA  
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
BOSH TAHРИRİYATI  
TOSHKENT – 2017

## TEXNOLOGIYA

Umumiy o'rta ta'lif maktablarining  
7-sinfi uchun darslik

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'lifi  
vazirligi tasdiqlagan

"SHARQ" NASHRIYOT-MATBAA  
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI  
BOSH TAHРИRİYATI  
TOSHKENT – 2017

Ўлчаш, режалаш ва дастлабки ишлов бериш асбобларини ишга тайёрлаш, ишлаш усуллариға оид 11 та, эгов дастасини ясашга оид 10 та расмдан иборат технологик хариталар берилди.

Металлга дастлабки ишлов бериш асбобларини ишга тайёрлаш, ишлаш усуллариға оид 4 та, чилангарнинг иш ўрнини ташкил қилиш, токарлик винт қирқиши станогини бошқаришга оид 1 та, деталларни бириктиришга оид 3 та, металларни плита устида қирқиши, тўғри чизиқли сиртларини эговлаш, бир неча детал ва тайёрланмага ишлов беришга оид 5 та, металларга ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича иш усуллари га оид 16 та, тайёрланадиган детал эскизини чизмаларини, технологик хариталарни тузиш ва ўқишига оид 14 та, бўшаган металл ичимлик идишидан уй-рўзғор учун буюмлар ясашга оид 15 та, майший ёритиш асбобларидан нуқсонларни топиш ва бартараф этиш мавзусига оид 4 та расм алмаштирилди.

Кавшарлашда симлар, кавшар, флюслар турлари, кавшарлаш асосида электромонтаж ишларни бажариш усуллари, электромонтаж ишлари мавзусига оид 12 та, ўтказгич симларнинг учини чиқариш ва кичик халқа ҳосил қилиш, ўтказгич симларни улаб узайтириш ва тармоқлаш мавзусига оид 13 та, электр арматураларни ўтказгич симларга монтаж қилишига оид 4 та расм киритилди.

Уй-рўзғор техникаси ва биноларга хизмат қўрсатиш ҳамда уларни энг оддий тузатиш, уй-рўзғор буюмларини таъмирлашда хавфсизлик қоидаларига оид 11 та мавзу ва мавзуга оид расмлар киритилди.

Ўйма қулфларни тузатиш ва ўрнатишга оид 3 та расм киритилди.

Гуруч пишириш технологияси мавзусига оид 2 та расм киритилди.

Қатлама тайёрлаш технологиясига оид 5 та расм киритилди.

Печение пишириш мавзусига оид 3 та расм киритилди.

Ширгуруч пишириш ва дастурхонга тортиш қоидаларига оид 4 та расм киритилди.

Лочира пишириш технологиясига оид 5 та расм киритилди.

Мастава пишириш техноло-гиясига оид 2 та расм киритилди.

Атлас ва сатин тўқилишига оид 4 та расм киритилди.

Ички кийим чокларидан намуналар тикиш мавзусига оид 2 та расм киритилди.

Чармдан, газламадан безак тайёрлаш турларига оид 2 та расм киритилди

Соч безак турларидан намуналар тайёрлаш мавзусига оид 10 та расм киритилди.

Дарсликларда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун муаммоли топшириқлар ишлаб чиқилди. Масалан: Тахта материалларидан дарвоза ясашда камчиликка йўл қўйилди ва натижада дарвоза ўрнатилгач эшик

кенгайиши кузатилиб ёпилиши қийин бўлди. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш керак?

Ёғочга ва металлга, газламага ишлов бериш технологиялари, пазандачилик асослари, электротехника ишлари, рўзгоршунослик асослари бўлимларига оид касб-хунарлар классификацияси берилди.

Технология фани ўқув дастурига янгидан киритилган “Полимер материалларга ишлов бериш технологияси”, “Рўзгоршунослик асослари” бўлимлари бўйича маълумотлар киритилди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фойдаланишлари учун техник луғат киритилганлиги мақсадга мувофиқдир.

#### **4-Мавзу: Ўзбекистонда технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларга қўйилган талаблар. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар: шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги.**

**Режа:**

1. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар.
2. Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати.

**Таянч иборалар:** таълим-тарбия, шахсий ва касбий сифатлар, компетентлик, касбий компетентлик, креативлик, ижтимоий, маҳсус, психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион, коммуникатив, шахсий, технологик, экстремал компетентлик, ишонч кузатувчанлик, қатъиятлилик.

**Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар.** Ўқитувчи фаолиятини яхлит тизим сифатида ўрганиш муҳим илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Уни ҳал этишда, моделлаштириш муҳим ўрин тутади. «Моделлаштириш тадқиқотчилик фаолиятининг яхлит туркумини акс эттиришга хизмат қиласи. Тадқиқотчи туркум моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқади. Зоро, у якуний модел сифатида назарияни хулоса ва ғоялар билан бойитади. Демак, моделлаштириш танланган обьект туркум кўринишида тасаввур этишга имкон беради».

«Мутахассис модели» тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар мутахассис модели дейилганда, муайян соҳа мутахассисининг умумлаштирилган образи сифатида ўрганилаётган обьектнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи тасвирий ўхшатишни тушуниш кераклигига урғу берадилар.

Моделнинг муайян вақтнинг ўзида тасвирий шаклни аниқлаш ҳамда уни куриш «технологияси»дан иборат эканлигини қайд этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

Учинчи гурӯҳ вакиллари эса «мутахассис модели» тушунчаси моҳиятида билим, қўникма ва малакалардан ташқари шахснинг шахсий сифатлари, маданияти ва бошқа хусусиятлари ҳам намоён бўлиши зарурлигини ёқладилар.

Н.Ф.Тализина томонидан, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга нисбатан умумметодологик ёндашув ишлаб чиқилган. Моделда кутилаётган натижа ва унга эришиш йўлларининг узвий бирлиги акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, муаллиф қўйидагиларни баён этади: «Мутахассис модели муаммоси ўқув режалари каби ўқув дастурларининг ҳам мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади».

Касбий тайёргарликнинг сифати қўйидаги учта асосий вазиятнинг асосланганлик даражасига боғлиқдир: ўқитиш мақсадлари (нима учун ўқитилади?), ўқитиш мазмуни (нима ўқитилади?) ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилари (қандай ўқитилади?) даражасига боғлиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда мақсаднинг аниқ белгиланиши, мутахассис моделининг таркибий асосларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассис модели қўйидаги учта таркибий асосдан ташкил топади:

1. Янги ижтимоий босқичга хос бўлган хусусиятлар асосида юзага келган фаолият турлари.
2. Касбий талаблари аниқ кўрсатиладиган фаолият турлари.
3. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳамда унинг маънавий-ахлоқий тизими моҳиятига кўра ташкил этилувчи фаолият турлари.

Юқорида келтирилган фаолият асослари маълум мутахассис учунгина эмас, балки барча мутахассисликлар вакиллари учун ҳам зарур бўлган маҳорат (шунингдек, маълум билимлар)ни ўз ичига олади. Масалан, ўқиши маҳорати, жамоани бошқара олиш, ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик. Кейинги икки фаолият тури маълум касб учун кўйилувчи аниқ талаблар даражасини белгилайди.

Аммо, олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қўйидаги учта гурӯҳга бирлаштириш мумкин: 1) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга имкон берувчи маҳорат; 2) умуммуҳандислик ва ихтисослик фанлари бўйича назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган маҳорат; 3) талabalарни педагогик ва методик фаолиятга тайёрлашни таъминловчи маҳорат.

Технология таълими ўқитувчиси аввало таълим мазмунини лойихалаштириш билан боғлиқ қуидаги маҳоратлар тизимини эгаллаб олиши керак: ўқитиш мақсадларини (таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш) конструктив тасвиrlаш; ўқувчиларда маълум касб фаолияти бўйича билим, кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларни аниқлаш; ушбу кўрсаткичларнинг акс этишига имкон берувчи чизмалар, схемалар, лойихалар, техник-технологик ҳамда ташкилий-иқтисодий машқлар ва таълим методлари, шаклини тўғри танлаш; уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш; ўқувчилар томонидан назарий ва амалий билим ва кўникмаларнинг шакллантирилиши ва ҳоказолар борасидаги зарур маълумотларга эга бўлишни таъминловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Касбий шаклланиш жараёнида бўлажак технология таълими ўқитувчиларининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш муҳимдир. Ўқув фаолиятининг зарур тарбиявий натижасини аниқлашга хизмат қилувчи маҳоратлар алоҳида тизимни ташкил этади. Маънавий дунёқараш ва унинг моҳияти ҳамда умумий маданиятлилик даражасига қўйилувчи талабларни ўз ичига олади.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташҳис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели - бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу модельни яратишида касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартиба солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуидаги ҳолатлар акс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузища мухим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни акс эттирувчи маҳсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қўйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.
2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб борувчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳорат қўйилувчи талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар.

Юқорида келтирилган тузилмага биноан технология таълими ўқитувчисининг малакавий тавсифномасида қўйидагилар ўз ифодасини топади:

#### **I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:**

- a) фаолият соҳаси:
  - 1) таълим;
  - 2) бошқарув ва бошқалар.
- b) фаолият турлари:
  - 1) ўқув;
  - 2) методик;
  - 3) тарбиявий;
  - 4) ташкилий;
  - 5) илмий (раҳбарлик);
  - 6) кадрлар билан ишлаш;
  - 7) тадбиркорлик;
  - 8) экспертлик ва бошқалар.

#### **Улар фаолият олиб борувчи ташкилотлар:**

- 1) таълим;
- 2) умумий ўрта таълим муассасалари;
- 3) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлар, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари);
- 4) олий таълим муассасалари;
- 5) олий таълимдан кейинги таълим муассасалари (малака ошириш курслари ва кадрларни қайта тайёрлаш марказлари);
- 6) таълимни бошқариш органлари;
- 7) ўқув курслари, маҳсус ўқув юртлари, бизнес марказлари, тилга жадал ўргатиш курслари.

## **II. Лавозимлари:**

- 1) касб-хунар колледжларида умумкасбий фанлар ўқитувчи;
- 2) касб-хунар колледжларида махсус фанлар ўқитувчи;
- 3) методист ва бошқалар.

## **III. Шахсий сифатларга талаблар:**

- 1) психологик;
- 2) мулоҳазали;
- 3) ахлоқий;
- 4) фаолиятни ташкил этиш маҳорати ва усувлариға қўйилувчи талаблар.

## **IV. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг рўйхати.**

Мутахассис касбий фаолияти модели турларидан бири касбий тавсифнома (профессиограмма) ҳисобланиб, у инсоннинг шахсий сифатлари, психологик қобилият ҳамда жисмоний имкониятларига қўйиладиган касбий талаблар, шунингдек, касбий шаклланиш технологияларини муайян тартибга солувчи хужжатdir.

Касбий тавсифнома мутахассисга касб талабларини самарали бажариш, ижтимоий жамият учун зарур бўлган маҳсулотни олишга имкон берувчи, айни вақтда ишчи томонидан ўз шахсининг ривожланиши учун шароитлар яратувчи, мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларининг касбнинг илмий жиҳатдан асослашга имкон берувчи меъёр ҳамда талаблар мажмуидир.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бироқ айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги касбий фаолиятни бажариш варианtlари ҳам инобатга олинади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;
- 2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;
- 3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакалар;
- 4) психограмма касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);

5) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Сўнгги пайтларда таклиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада «касбий фаолият ва шахснинг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар» ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуидаги икки блокнинг алоҳида қайд этишнинг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият меъёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Анча мураккаб турдаги профессиограмманинг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

«Касбий фаолият тавсифи» (трудограмма)нинг мазмунида қуидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб борувчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети - инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар - маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабиий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланиувчи техника, технология, харакат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг қўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари - зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар. Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароитлари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гурухли фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсуниш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва микдор ўзгаришлари, меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг хулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий кафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий хулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат

сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, хужжатларни тўғри юритиш; муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-харакатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон хулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиологик-психологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлентириш борасидаги имкониятлари, касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гурӯхга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ҳамда маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганилиги, ахборот этишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиш эҳтимоли, касбий касалликларни келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Психологик тавсифнома (психограмма - мутахассиснинг маънавий-ахлоқий ва руҳий қиёфаси). Касбий фаолиятни самарали ташкил этишда ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун талаб этилувчи психологик сифатлари муҳим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қўйидагилар киради:

- 1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётӣ мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлиар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмuni, қадриятли йўналишлар, психологик позиция;
- 2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;
- 3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;
- 4) меҳнат, уни ташкил этиш жараёни ва натижалардан қониқиши (мутахассиснинг операционал хусусиятлари);
- 5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;
- 6) психотехнологиялар, психологик ҳаракатлар, усуслар, методлар, маҳорат ва техникаси (уларнинг, шахснинг ўзи ва бошқаларга таъсири);

- 7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;
- 8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;
- 9) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш ва ривожланиш;
- 10) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);
- 11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Бизнинг назаримизда касбий тавсифнома мазмунида, яна шунингдек, касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, алоҳида психологик сифатларини машқ қилдириш, ўзгартириш, ўрнини тўлдириш, касбий малакани ошириш ва турдош касбга йўналтириш (шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш асосида) масалаларининг ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

**Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбати.** Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз ўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:

- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик;
- доимий равища касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;
- шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Л.М.Митина ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади: 1)


талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.

Айрим касбий тавсифномаларда, яна шунингдек, қуидаги ҳолатлар ҳам ёритилади:

- а) таълим олиш сабаблари;
- б) ўқув топшириғи сифатида таклиф этиладиган ва ўқувчилар томонидан қабул қилинадиган таълимий масалалар (педагогик амалиёт жараёнида ҳар бир талаба ижобий ҳал этилиши талаб этилувчи педагогик масалаларга дуч келади);
- в) таълимий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш асосида ўқиш-ўрганиш масалаларини ҳал этиш;
- г) ўқув машғулотлари жараёнида ўқитувчининг аста-секин фаолиятини назорат қилиш ва ўзига баҳо бериш лаёқати такомиллашиб боради, бу ҳолат ўқувчилар фаолиятини ҳам назорат қилиш ва баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Касбий тавсифномаларда ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда кўрсаткичлари етарлича тизимлаштирилмаган.

Юқорида келтирилган касбий-педагогик фаолиятни моделлаштиришга оид таҳлилларимиз ҳамда биогенетик, ижтимоий-генетик ҳамда маданий генетик жараёнларни қиёсий ўрганишимиз асосида технология таълими ўқитувчини тайёрлашнинг масалали-фаолиятли модели ишлаб чиқилди. Мазкур модел маданий генетик жараён негизига қурилиб, унда ўқитувчи раҳбарлигида ҳамда мустақил таълим олиш билан боғлиқ таълим шакллари асос сифатида олинди. Бўлажак технология таълими ўқитувчисини тайёрлашда замонавий таълим тури сифатида масофали таълим технологиясини ишлаб чиқдик.

Ишлаб чиқилган моделга кўра педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар технология таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик туркуми фанлари ўйғунлигини таъминлаб, технология таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигини юқори сифат даражасига кўтаради.



**1-расм. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантиришнинг кластерли модели**

Бўлажак технология таълими ўқитувчининг касбий шаклланиши муайян индивидуал сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасига боғлиқ бўлади. Тадқиқотларимиз натижаларига

кўра ушбу сифатлар мотивацион, иродавий, ақлий, ҳиссий, амалий ҳамда ўз-үзини бошқара олиш лаёқати кабилардан таркиб топиши аниқланди.

### **Назорат саволлари**

1. Шахсий ва касбий сифатлар нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Креативлик ва компетентлик нима?
3. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
6. Педагог қандай касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши керак?

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**1-амалий машғулот: Технология таълимни ташкил этишга оид тадқиқотларнинг хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари.**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:**

- ✓ технология фанининг узлуксиз таълим тизимидағи ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамиятини ўрганиш;
- ✓ технология фанини ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни белгилаш;
- ✓ фанни ривожланиш тарихи босқичларини аниқлаштириш;
- ✓ жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш.

**Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.**

Машғулот кичик гурухларда ишлаш методи ёрдамида ташкил қилинади. Гурухларга қуйидаги топшириқлар берилади (гурухлар билан ишлашда турли интерфаол методлардан ҳам фойдаланиш мумкин):

**Кўйида келтирилган назарий материалнинг тегишли қисмини ўрганиб чиқинг ва гурух мавзулари бўйича тақдимот тайёрланг ва уни намойиш қилинг.**

**1-гурух мавзуси.** Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидағи ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамиятини ўрганиш.

**2-гурух мавзуси.** Технология фанини ўқитишида замонавий ёндашувлар ва инновацияларни белгилаш.

**3-гурух мавзуси.** Фанни ривожланиш тарихи босқичларини аниқлаштириш.

**4-гурух мавзуси.** Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденцияларини белгилаш.

**Амалий машғулотга доир назарий материаллар**

Республикамизда узлуксиз таълим тизимида турли соҳаларда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, уларнинг юксак билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш жараёнида етук малакали мутахассислар фаолиятини ташкил этиш бўйича қўйган ижтимоий буюртмасини бажаришда технология фани жараёнини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда қатор ривожланган давлатларнинг таълим тизими таҳлил қилинганда техник-технологик жараёнларга жиддий эътибор

берилаётганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатнинг ривожи ишлаб чиқариш соҳасига боғлиқ эканлиги, ишлаб чиқариш соҳасининг ривожи мутахассислар малакасига боғлиқлиги исботланмоқда.

Давлат аҳамиятига молик ушбу вазифани бажариш учун техник-технологик жараёнда ўқитувчиларнинг ўз касбий билим, кўникма ва малакаларини, касбий маҳоратини такомиллаштиришни ҳамда динамик равишда ривожланиб бораётган педагогик жараён талаблари даражасида педагогика, психология, методика фанлари ютуқлари, замонавий техника ва илғор технологиялар, ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти муносабатлари бўйича мукаммал билимлар, кўникмаларни эгаллашни тақозо этади. Шу муносабат билан, технология фани ўқитувчисининг билим, кўникма ва малакалари қўлами ва сифати, унинг таълим-тарбия жараёнини умумий ўрта таълим ДТС талаблари асосида ташкил этиш ва ўтказиш бўйича эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари, касбий маҳорати ва х.к. каби мураккаб ва кўп қиррали фаолиятини такомиллаштириш жараёнининг дидактик шарт-шароитларини аниқлаш, назорат мақсадига мувофиқ равишда унинг шакл, тур, усул ва воситаларини оптимал танлаш асосида назорат ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, унинг мазмунини бойитиш, бу соҳада мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган ташкилий ишларни таҳлили бу борада амалга оширилаётган барча тадбирларни илмий-услубий асносида ташкил этилишини талаб қилмоқда.

Бу эса ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларидан техник-технологик кўникмаларини шакллантиришга эътибор берилмаётганлигини кўрсатишимиш мумкин. Ушбу кўникмалар асосан технология фани дарсларида шакллантирилишини хисобга олсан, ушбу фанга эътиборни кучайтириш давр талаби эканлиги яққол намоён бўлади. Айнан технология фанида ўқувчиларнинг хам интеллектуал ҳам жисмоний билим, кўникма ва малакалари уйғунлашган ҳолда шаклланиши ҳамда техникага оид меҳнат қилишнинг сенсор кўникмаларининг ривожланиши, шунингдек касблар олами, касб танлашдаги қийинчиликлар ва номутаносибликлар, касб танлашда эътиборга олинадиган омиллар хақидаги маълумотлар фаннинг асосий мақсади сифатида берилади. Демак, технология фанига эътибор берилиши натижасида нафақат техникага оид коллежларга балки ёшларнинг ўз касбларини онгли, барча жихатларини хисобга олган ҳолда танлашларига эришилади. Тўғри касб танлаган ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш яъни таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш натижасида етук, жаҳон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга замин яратган бўламиз. Ушбу мутахассислар бевосита ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантирган ҳолда мамлакат ривожига ўз хиссаларини қўшадилар.

Шуни айтиш мумкинки, технология фани дарсларини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишлари ортиши, амалий машғулотларда меҳнат

объектларини бажариш бўйича аниқ тасаввурларга эга бўлиши, меҳнат операцияларини бажариш бўйича чуқур билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

Хозирги кунда дунё бўйича ривожланган давлатлар аграр ишлаб чиқаришдан саноат ишлаб чиқаришга яъни янги техника ва технологияларга асосланган автоматик-механизациялашган саноат ишлаб чиқариш давлатига ўтиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда мутахассисларнинг техникавий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритадиган мутахассисларнинг бошланғич кўникмалари айнан умумий ўрта таълим мактабларида технология фани дарсларида таркиб топади.

“Технология” материаллар ёки яrim фабрикатларни олиш, ишлов бериш ва қайта ишлаш усулларини ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи илмий фандир.

“Технология” – юононча икки сўздан – “технос” (*techne*) – маҳорат, санъат ва “логос” (*logos*) – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

Тарихий манбаларга кўра, “Технология” фани ҳам қадимги юононистонда пайдо бўлган. Ушбу даврда, бу ҳунарманднинг буюмларни тайёрлаш санъатига, устози раҳбарлиги остида (машқлар туфайли) ўзининг тиришқоқлиги ва табиий иқтидори орқали эришишини англашган.

Хунар ўрганиш индивидуал тарзда амалга оширилар эди. Кўпгина ҳолларда, хунар сирлари, фақат авлоддан авлодга, оиласи қариндош уруғларга ўргатилар эди. Авлоддаги узилишлар, маълум бир касб сирларини йўқолишига олиб келган ҳоллар ҳам мавжуд. Мисол тариқасида, қадим Шарқдаги мачит мадрасаларнинг ташқи ва ички деворлар, гумбазларидағи нақшлар табиий бўёқларининг тайёрланиш сирлари йўқолиб кетганини келтириш мумкин. Бу бўёқлар ҳанузгача одамларни ўзининг табиийлиги, чиройи, ранглари жилоси, такрорсизлиги, ўзидан нур сочиб туриши, узоққа чидамлилиги билан мафтун этиб келмоқда.

“Технология”нинг фан сифатида вужудга келишига – XVII асрда, саноат ишлаб чиқаришини пайдо бўлиши металтургия, машинасозлик, жумладан саноат жиҳозлари, пароход, паровоз, ўқ отувчи қуролларни ишлаб чиқариш жадал ривожлана бошланиши сабаб бўлди.

Бундай мураккаб ва меҳнатталаб машина ва жиҳозларни ишлаб чиқариши, фақат технологик жараёни аниқ ишлаб чиқилган технологик

хужжатлар асосида ташкил этиш мумкин эди. Ушбу хужжатларда – хом ашё, материаллар, ярим фабрикат ва маҳсулотларни олиш, ишлов бериш, қайта ишлаш йўллари ва усулларининг мураккаб жараёнларини ўзаро боғлиқ, кетма-кет ва аниқ бажариладиган ҳаракат, операцияларга бўлиб, режалаштирилган натижага эришиш тасвир этилади. Бу кенгайтирилган ва оммавий ишлаб чиқаришга асос бўлади. Бизнинг даврда, технология деб, маълум ишни бажариш санъати тушунилади. Уни эгаллаш учун у акс эттирилган технологик хужжатларни чуқур ўрганиш тақозо этилади.

“Технология”нинг фан сифатида шаклланиши, технологияни кўпайтириш ва шу асосда мутахассисларни оммавий тайёрлаш, ҳамда оммавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини келтириб чиқарди.

### Тарихий маълумот

**1932 йилдан бошлаб технология таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитила бошлаган. 1937 йилга келиб технология таълими фани умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши тўхтатилган. Орадан 17 йил ўтиб, яъни 1954 йилдан бошлаб технология таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар ўқитилиб келинмоқда. 2017 йилдан бошлаб “Технология таълими” номи “Технология” деб атала бошланди.**

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурӣ воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутади.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (ўқувчи)ларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин.

Техник технология қўйидагиларни билдиради:

- хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўлари ва усулларининг йигиндиси

(технологиянинг жараёнли – баёнли аспекти);

- юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан. Технологияни фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиласиган самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти);
- жараённинг ўзи – қазиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли – ҳаракат аспекти).

Ишлаб чиқаришда “Технология” сўзидан келиб чиқадиган қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

**Технологик жараён** – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг ийғиндиси.

**Технологик операция** – ишчи томонидан ўзинингиши жойида бажариладиган, якунига етказилган ҳаракат қўринишидаги жараённинг бир қисми.

**Технологик харита** – маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш технологик операцияларнинг кетма-кетлигини баён қилувчи техник хужжат.

**Технологик режа** – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

## ТОПШИРИҚЛАР

### 1-гурух учун

Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидағи ўзига хос ўрни ва роли нималардан иборат (3-жадвал).

#### 3-жадвал

T/p	Узлуксиз таълим турлари	Узлуксиз таълим тизимида технология фанининг ўзига хос ўрни ва роли таҳлили
1.	Мактабгача таълим.	
2.	Умумий ўрта таълим.	
3.	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими.	
4.	Олий таълим.	
5.	Олий ўқув юртидан кейинги таълим.	

6.	Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.	
7.	Мактабдан ташқари таълим.	

## 2-гурұх учун

Технология фанидан машғулотларни ташкил қилишда қандай замонавий ёндашувлар ва инновацияларни жорий қилиш мүмкін (13-слайд).

**13-слайд**



## 3-гурұх учун

Фанни ривожланиш тарихи босқичларини ДТСга асосланған ҳолда ишлаб чиқинг (14-слайд).

14-слайд

1999 йил  
ДТС мазмунни

2010 йил  
ДТС мазмунни

2017 йил  
ДТС мазмунни



#### 4-гурх учун

Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантиришнинг тенденцияларини аниқлаштиринг (15-слайд).

15-слайд

### Технология фанини ривожлантириш тенденциялари

1

Методик таъминот  
бўйича

2

Моддий-техник  
таъминот бўйича

3

Ислоҳотлар ва бозор  
муносабатлари бўйича

## **Назорат саволлари**

1. Технология фанининг узлуксиз таълим тизимидағи ўзига хос ўрни ва ролининг аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?
2. Технология фанини ўқитишида замонавий ёндашувлар деганда нималарни тушунасиз?
3. Педагогик фаолиятингизда қандай турдаги инновациялардан фойдаланасиз?
4. Фанни ривожланиш тарихи бўйича нималарни биласиз?
5. Жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор муносабатлари шароитида технология фанини ривожлантириш тенденциялари нималардан иборат?
6. Бу тенденциялар асосида ўқувчиларни тадбиркорлик фаолиятига йўллаш самарали бўлади деб ўйлайсизми? Ўз тажрибангиздан мисоллар келтиринг.

## **Фойдаланишга тавсия қилинган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” Фармони. – Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
3. Шарипов Ш.С., Воробьев А.И., Муслимов Н.А., Исмоилова М. Касб таълими педагогикаси. – Т.: 2005.-58 б.
4. Шарипов Ш.С. ва бошқалар. Технология таълими: Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2012.-240 б.
5. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
6. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Абдуллаева Қ. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2017.-240 б.
7. Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А., Эргашев Ш.Т., Тоҳиров Ў.О., ва б. Технология фанини ўқитиши ва психологияк хизматни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. // Ўқитувчилар учун методик кўлланма. – Т.: “Мухаммад полиграф” МЧЖ, 2017.-80 б.
8. Қўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Мехнат

таълими. 6-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОYТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-191 б.

9. Кўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 7-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: “РОYТАХТ-PRINT” МЧЖ, 2016.-166 б.

10. Кўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 8-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-134 б.

11. Кўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Меҳнат таълими. 9-синф. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2016.-136 б.

12. Кўйсинов О.А., Тоҳиров Ў.О., Маматов Д.Н., Арипова Д.Ф. Полимер материалларга ишлов бериш технологияси. // Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: 2017.-50 б.

## **2-амалий машғулот: Технология таълим мининг замонавий тадқиқот йўналишлари. Технология таълим жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш**

**Ишдан мақсад:** Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида ўқув машғулотлар довомида технология таълими жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Модератор		
Фасилитатор		
Супервайзер		
Тютер		
Фидбек		
Селфстади		
Силабус		

## Таълимнинг норматив-хуқуқий хужжатларини тоифалаб беринг!

<b>№</b>	<b>Таълимнинг хуқуқий хужжатлари</b>	<b>Таълимнинг норматив хужжатлари</b>
1		
2		
...		

Технологиянинг таснифий белгилари сифатида нималарни аниқлаб олинди?:

**Қўлланилиши даражаси ва тавсифи:** локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология.

**Фалсафий асоси:** 1) антропологик; 2) онто- логик; 3) диалогик.

**Методологик ёндашуви:** инсонпарвар, ал- горитмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув.

**Ривожланишнинг етакчи омиллари:** 1) со- циоген; 2) психоген.

**Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси:** ассоциатив- рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик.

**Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши:** БМО (билим, кўникма ва малака) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа).

**Мазмунли тавсифи:** касбий йўналтирилган.

**Ижтимоий-педагогик фаолият тури:** таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлан- тиравчи

**Қўлланиладиган методлари:** 1) диалоги; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) ролли-ўйинли; 6) изланишли- тадқиқотчилик

**Ташкилий шакллари:** 1) индивидуал; 2) груп; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий.

**Қўлланиладиган воситалари:** 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа.

**Таълим олувчига ёндашув ва биргаликдаги ўзаро ҳаракат тавсифи:** фаолиятга йўналтирилган.

**Модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати:** биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш асосидаги педагогик технология.

**Қўлланилиш тоифаси:** педагогика коллекции ўқувчилари учун.

Технологиянинг мазмуни ўзида мотивацион – когнитив-операцион – фаолият бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи

мустақил ишни амалга ошириш даражалари (танишув, тушуниш, анализ, ва син тез)ни акс эттиради

### **Назорат саволлари**

1. Ўқитувчиларнинг боқа касб эгаларидан ўзига хосликлари қандай?
2. Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмаларини санаб беринг?
3. Олий таълим муассасаларида лойиҳавий таълимдан кенг фойдаланишнинг сабаби нима?
4. Лойиҳавий таълимнинг асослари қандай?
5. Ўқув лойиҳанинг ижтимоий- педагогик шартлари?
6. Ўқув лойиҳавий фаолият ва ўқув лойиҳасинг услубий паспортини изохланг?

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. –Т.: “Fan va texnologiyalar”нашриёти, 2012.
4. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери»./Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.
5. Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар.// “Biznes-Эксперт” илмий-амалий журнал, 2014 йил № 12 сон Б. 56.
6. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери»./Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.
7. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic
8. Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000
9. Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002
10. Abraham Harold Maslow. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011

**З-амалий машғулот: Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялаш. (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Технология таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрни ва роли. ДТСлари ва уларни модернизациялашнинг заруриятини ўрганиш.

1- Топшириқ. “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Давлат таълим стандарти		
Ўқув режа		
Ишчи ўқув режа		
Намунавий дастур		
Ишчи дастур		

2- Топшириқ. “Мехнат таълими”нинг “Технология таълими” га ўзгартиришнинг омилларини аниқланг!

**3- Топшириқ.**

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълими тизимида давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда умумтаълим фанларини ўрганиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади (жадвални тўлдиринг)

Стандарт даражалари	Даражаларнинг номланиши
A1	
A1+	
A2	
A2+	
B1	
B1+	

**4- Топшириқ. Технология ўқув фанини ўрганиш босқичлари бўйича тахлилий маълумот тайёрланг ва жадвалдаги бўш жойларни тўлдиринг!**

Таълим босқичи	Битирувчилар	Стандарт даражалари	Даражада номланиши	Синфлар
Умумий ўрта таълим	Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич 4-синф битирувчилари	A1		1-4
	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг 4-синф битирувчилари	A1+	Технология фанини ўрганишнинг кучайтирилган бошланғич даражаси	1-4+
		A2	Технология фанини ўрганишнинг таянч даражаси	5-9
Умумий ўрта таълим	Умумий ўрта таълим мактабларининг технология ўқув фани чуқур ўрганиладиган синфлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг 9-синф битирувчилари	A2+		5-9+

**4-амалий машғулот: Ўзбекистонда технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ва уларга қўйилган талаблар. Технология таълими ўқитувчисига қўйиладиган квалификацион талаблар: шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги. (2 соат амалий машғулот)**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:**

- ✓ Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбатини;
- ✓ “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини;
- ✓ “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун- моҳиятини ўргатишдан иборат.

**Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.**

Машғулот интерфаол методлар ва турли графикли органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

**Амалий машғулотга доир графикли органайзерлар 1-амалий топширик.**

**Шахсий ва касбий сифатларни берилган жадвал**

**бўйича ажратиб кўрсатинг ва ҳар бир тушунчаларни изохлаб беринг.**

Шахсий сифатлар	Касбий сифатлар

## **2-амалий топширик.**

**Креативлик түшүнчесига оид қандай  
таърифларни биласиз**




## **3-амалий топширик.**



#### **4-амалий топширик.**



#### **5-амалий топширик.**



#### **Назорат саволлари**

1. Шахсий ва касбий сифатлар нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Креативлик ва компетентлик нима?
3. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-мохияти нималардан иборат?

5. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
6. Педагог қандай касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши керак?

### **Фойдаланишга тавсия қилинган адабиётлар рўйхати**

1. Guilford J. P., Hoepfner R. The analysis of intelligence. N.Y., 1971. – 212 p.
2. Torrance E.P. Guiding Creative Talent – Englewoodcliffs. N. V.: Prentice-Hall, 1962. – 250 p.
3. Wollach M., Kogan N. Modes of Thinking in Young Children. N. V.: Holt, 1965. – 222 p.
4. Психологический словарь / Под ред. В.П.Зинченко. – Москва: Астрель, 2006. – 479 с.
5. Иванова М.И. Развитие научно-образовательной системы Германии в едином европейском образовательном пространстве. Дис....канд. пед. наук. – Ростов Д., 2000. – 239 с.
6. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления. М.: Прогресс, 1969. – 145 с.
7. Шарипов Ш. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. –Т.: Фан, 2005. – 136 б.  
Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дисс. – Т.: 2012.-308 б.

### **5-амалий машғулот: Соҳага тегишли илғор чет эл тажрибалари таҳлили**

#### **Режа:**

1. Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиш тизимига қўйиладигн талаблар.
2. Ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиш
3. Америка Кўшма Штатлари таълим тизими. б) Германия таълим тизими.
4. Франция таълим тизими. г) Япония таълим тизими.
5. Жанубий Корея таълим тизими

**Таянч иборалар:** фан, техника ва технология, таълим тизими, ривожланиш босқичлари, талаб, тажриба, замонавий ёндашув, инновация, индивидуал қобилияят, касб-хунар таълими, касб-хунар мактаблари, касб-хунар таълими ўқувчилари, дуал тизими, касб, муассаса, умумтаълим фанлар, касбий фанлар.

### **Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиш тизимиға қўйиладиган талаблар**

Замонавий ёндашув ва инновациялар асосида ўқитиш тизимининг вазифаси ўқувчининг индивидуал қобилиятини ҳисобга олиш ва ривожланиширидан иборат бўлиши керак.

Илмий-техник тараққиёт жадаллашуви шароитида унинг юксалиб борувчи талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, ўқитиша инсон организмининг, унинг онгини бутун имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур бўлади. Бу эса, ўқитиш жараёнида ахборотлар беришда, ўқув материалини тизимлаш ва туркумлаш усуллари, ўқитишни компьютерлаш, ўқув телевидениясидан фойдаланиш ва ҳ.к.ни англатади.

Илмий-техник тараққиёти жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар илмталаб, оригиналлиги, мураккаблиги, юқори сифати ва сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Машина ва жиҳозлар унумдорлиги, улар пухталигининг кўп маротаба ошганлиги туфайли маҳсулот бирлигига сарф қилинадиган энергия ҳам бир неча маротаба камаяди. Бу шароитлар кадрлар тайёрлаш тизимиға тегишли талабларни қўя бошлайди (1-слайд).

1-слайд



## **1. Ривожланган давлатларда технология фанини ташкил этилиши ҳамда ривожланиш**

### **а) Америка Кўшма Штатлари таълим тизими**

Америка Кўшма Штатлари (АҚШ)да таълим тизимининг тузилиши қўйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1-8-синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9-12-синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қўйи ва юқори босқичдан иборат.

Ўқув йили 180 кунни ташкил қиласи.

Америка Кўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлардир. АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қиласи. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин. Америкада 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшдан эса “Kinder garten” деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13-15 ёшгача бўлган “Middle school” болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади.

Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Мактабларда технология фанига оид турли хил тўгараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қўйи ва юқори босқичлардан иборат. 9-синфи битирган ўқувчилар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-хунар асослари бериб борилади (1-слайд).



Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1. Кичик мутахассис (2 йиллик колледжларда амалга оширилади).
2. Бакалавр (4 йиллик колледжларда амалга оширилади).

Тўрт йиллик колледж ёки дорилфунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4-босқич эса докторантураси. Олий таълимда икки йўналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш; 2-талабанинг мустақил ишлишини амалга ошириш. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи ролини ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш ва мантиқий фикрлашга ўргатишdir. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-хунар, умумий йўналишларда билим беради. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат қурилиши бўйича хунар, касб-кор асослари ўргатилади. АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади.


### 6) Германия таълим тизими

Германия таълим тизими ҳудудлар бўйича турлича шаклланган ва 4 босқичдан иборат бўлиб, унинг 2-босқичи 2 турга бўлинади (3-слайд).

Баъзи	федерал ерларда ҳозирги кунгача мактабгача
таълим	тизими

4 босқичли таълим тизимиға кирмайди. Таълим тизими болалар боғчаси ва мактабгача бўлган даврдан кейин мажбурий бошланғич таълим билан бошланади.

### 3-слайд



**Биринчи босқич (Primarbereich)** – бошланғич мактабдаги (ёки күшимча кўмак берувчи мактабдаги) 4 йиллик даврни қамраб олади. Баъзи федерал ерларда 6 йиллик бошланғич мактаблар ҳам мавжуд.

Мактаб турига боғлиқ бўлмаган йўналтириш босқичлари, яъни 5- ва 6-синфлар **иккинчи босқич - I (Sekundarbereich I)** саналади.

**Иккинчи босқич - I (Sekundarbereich I)** – асосий мактаб аттестати ёки реал мактаб аттестатини олишгacha ёки гимназиянинг юқори синфигача бўлган даврни қамраб олади ва асосий мактаб, реал мактаб ва гимназия ёки битта бирлаштирилган мактабларда амалга оширилади.

**Иккинчи босқич - II (Sekundarbereich II)** – иккинчи босқич - I дан кейин бошланади, у гимназиянинг юқори синфлари ёки касб-хунар мактабларини қамраб олади. Қисқартирилган гимназияларда 10-синф иккинчи босқич - II нинг бир қисми ҳисобланади.

**Учинчи босқич (Tertiärbereich)** – олий ўкув юртларига кириш хуқуқини олиш билан бошланади ва олий ўкув юртлари ҳамда касбий академияларда амалга оширилади.

**Түртінчи босқич (Quartärbereich)** – касб-хунар таълимидан кейинги хусусий ва касбий малака ошириш (мисол учун: касбий тайёргарлик курсларини ўтказадиган муассасалар ва халқ университетлари).

Германия таълим тизими фуқароларнинг бутун умри давомида ўқиши учун имкониятлар яратади.

### **Касб-хунар мактаблари.**

Германияда қуидаги шаклдаги касб-хунар мактаблари мавжуд ва уларнинг ҳар бири специфик вазифаларни бажаради:

- Касб-хунар таълимига тайёрловчи ўқув йили



1-расм. Дрезден шаҳридаги касб-хунар мактабидаги ўқув жараёни

- Касб-хунар таълимининг асосий ўқув йили
- Касб-хунар мактаблари
- Ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари
- Техникумлар
- Юқори поғонали маҳсус мактаблар
- Касбий гимназия
- Колледжлар

Германияда тўлиқ ўқув ҳафталик мактабига бориш мажбурияти 18 ёшгача ҳисобланади, унгача ҳамма ёшлар бирон бир мактабга бориши лозим. Шунинг учун асосий мактабни битиргандан сўнг, касб-хунар таълимини бошламаган ўқувчилар учун касб-хунар таълимининг асосий ўқув йили (BGL) ташкил этилган ва унда ўқувчилар танлаган касб соҳасидаги асосий малакаларни ўзлаштирадилар. Асосий мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳномани олмаган ўқувчилар касб-хунар таълимига тайёрловчи ўқув йили (BVJ)да касб-хунар таълими ҳақидаги гувоҳномани олишлари мумкин (1-расм).

Классик касб-хунар мактаблари дуал таълимнинг бир қисми ҳисобланади ва улар касб-хунар таълими берувчи корхонада давлат

томонидан тан олинган касб бўйича таълим олаётган ўқувчиларга махсус фаннинг назарий ва умумий таълимини беради. Бундан ташкари, ихтисослаштирилган касб-хунар мактаблари мавжуд бўлиб, уларда ҳам дуал таълим бўйича касбий таълимни ҳамда мактаб касб-хунар таълимини битириш мумкин.

Ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби тўлиқ ҳафталик мактаб ҳисобланади ва мактабга минимал 1 йил давомида борилади. Мактабга касб-хунар таълимига тайёрловчи тўлиқ ҳафталик мактабга бориш мажбуриятини бажариш учун ихтиёрий борилади. Мактабда ўқиш яқуний имтиҳон билан тугатилади. Икки йил давомида мазкур мактабда ўқиш орқали реал мактабни битирганлик ҳақида гувоҳномага тенглаштирилган ихтисослаштирилган касб-хунар мактабини битирганлик ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Битиравчилар гувоҳномани давлат томонидан тан олинган дуал касб бўйича олишлари мумкин.

Техникумга тугатилган касб-хунар таълими ва амалий касбий тажрибадан кейинги, қисман кўп йиллик амалий касбий тажриба ёки касбга оид иқтидорни тасдиқловчи маълумотномага биноан ихтиёрий борилади. Техникумлар кейинги махсус касб-хунар таълимни (мисол учун: ишлаб чиқариш корхонадаги усталарни тайёрлаш мактаблари, техникларни тайёрлаш мактаблари) беради. Техникумда ўқиш муддати тўлиқ ҳафталик мактаб асосида ярим йилдан 3 йилгача, тўлиқ ҳафталик бўлмаган мактаб асосида эса 6-8 йил давом этади.

Юқори поғонали махсус мактаб реал мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома ёки шунга тенглаштирилган гувоҳномага эга бўлган ёшларни ўқитиш учун мўлжалланган. Юқори поғонали махсус мактаб(FOS)да ўқиш учун умумий ўрта мактаб таълимни битирганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлиш лозим ва тўлиқ ўқув ҳафталик икки йиллик таълимдан сўнг юқори поғонали махсус мактабни битирганлик ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Мактабда ўқиш муддати тўлиқ ҳафталик мактаб асосида 1 йил, тўлиқ ҳафталик бўлмаган мактаб асосида 3 йилгача давом этади. Мазкур мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳнома олий техника ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

Баъзи федерал ерларда юқори поғонали махсус мактабда ўқиш орқали бирор бир касбга боғланган олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома ёки умумий олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳномани олиш мумкин. Шимолий Рейн- Вестфалия ва Бавария ерларда юқори поғонали махсус мактабига тенглаштирилган юқори поғонали касб-хунар мактаби мавжуд ва мактаб турининг давомийлиги ҳамда у берадиган гувоҳномага қараб барча турдаги олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ҳам

олиш мумкин. Юқори поғонали касб-хунар мактабида ўқиши учун реал мактабни битирғанлиги ҳақида гувоҳнома каби касб-хунар таълими битирғанлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади ва у юқори поғонали касб-хунар мактаби томонидан аниқланган асосий ўқув соҳаларга мос келиши лозим.

Касб-хунар таълими ичида касбий гимназия алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда бирор бир касб соҳасига қаратилган гимназиянинг юқори синфлари ҳақида гап кетмоқда ва мисол учун: техника гимназияси, иқтисодий гимназия, озиқ-овқат фанлари бўйича гимназия, биотехнология гимназияси деб номланади. Касбий гимназиялар гимназиянинг юқори синфлари каби умумий олий ўқув юртларига кириш бўйича гувоҳномани беради.

Касбга йўналтирилган гимназиялар реал мактабни туттаганлиги ҳақида гувоҳнома ёки шунга тенглаштирилган гувоҳнома асосида билим берадиган таълим мудассасасидир. Касбга йўналтирилган гимназиялар 3 йил (11-13 синфлар)лик ўқув йилидан сўнг, барча олий ўқув юртларида ўқиши учун малакага эга бўлганлиги ҳақида гувоҳнома (умумий олий ўқув юртларига кириш ҳақида гувоҳнома) беради.


Коллежларда бирор бир касб соҳасига қаратилган гимназиянинг юқори синфларига ўхшаш умумий ўрта таълимга тенглаштирилган касб-хунар таълимини беради. Коллежларда ҳам техника, иқтисод ва ижтимоий соҳалар мавжуд. Коллежлар касб-хунар таълимини битирғанлик ҳақида гувоҳнома (малакали мутахассис ва техник ўртасида) ва умумий олий ўқув юртларига кириш бўйича гувоҳнома беради.

### **Германия касб-хунар таълимининг дуал тизими.**

Германияда касб-хунар таълими дуал тизимга асосан ташкил этилган (4-слайд). “Дуал” тушунчаси иккилик деган маънени билдиради ва унинг асосий элементидан бири корхона бўлса, иккинчиси касб-хунар мактаби ҳисобланади. Корхона ва касб-хунар мактаби ҳамкорликда касб-хунар таълими жараёнини таъминлайди. Корхона ва касб-хунар мактаби ўрнашган жойи ва ишлаш вақти турли хил бўлсада, бир-бири билан ҳамкорлик қиласи.

## 4-слайд

### Дуал тизимга масъул органлар



Дуал тизим, ҳатто ўзини оқлаган бўлса ҳам, уни камдан кам мамлакатларда учратиш мумкин. У касб-хунар таълимининг бир неча ўқитиш жойлари (касб-хунар мактаби ва касб-хунар таълими берувчи корхоналар)га бўлинганлиги билан характерланади ва баъзида корхоналараро ўқув марказига юборилади. Касб-хунар мактаби маҳсус назарий ва умумий таълимни беради. Улар аниқ бирор бир касбга боғлиқ фанларни, умумий касбий фанларни ёки сиёсий ва умумтаълим фанларни ўқитади. Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгashiда тасдиқланган намунавий ўқув режага асосланган ҳолда ҳар бир касб-хунар мактаби ўзининг ўқув режасини ишлаб чиқади. Ишлаб чиқариш корхонасида, яъни иш жойидаги таълим амалий касб-хунар таълимини беради. “Касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом”да белгилаб берилгандек, корхона ўз вақтини режалаштиришини, ўқитиш жойини ва ўқитиш методини эркин танлайди. Корхоналараро ва корхона ичидаги ўқув марказда қисман таълим курслари ўтказилади (2-расм).



## 2-расм. Гамбург шаҳридаги “БЛОМ + ФОСС ГМБХ” фирмасидаги касбий таълим маркази устахонасида

Одатда корхона ва касб-хунар мактабининг вазифалари қўйидагича тақсимланган: корхона амалий кўнкимларни ўргатишга, касб-хунар мактаби эса назарий билимларни беришга масъул. Реал ҳаётда корхона назарий машғулотларни ҳам ўтказади, касб-хунар мактабида эса назарий машғулотларга қўшимча равишда амалий машғулотлар ҳам ўтказилади. Бундан келиб чиқиш айтиш мумкинки, дуал тизимида бир-бирини такрорлаш ўрнига, бир-бирини тўлдириб бориш жуда муҳимдир.

Касб-хунар мактабда ўқувчилар танлаган касби бўйича зарур назарий билимларни олади. Бундан ташқари касб-хунар мактаби амалий машғулотларни тўлдириб боради. Мисол учун: мактабнинг ўқув устахонасида автомобилнинг тузилишини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, касб-хунар мактаби немис тили, сиёsatшунослик, диншунослик ва жисмоний маданият каби умумтаълим фанларни ўқитади. Кўпгина касбларни эгаллаш учун инглиз тили ҳам ўқитилади.

Корхона ва касб-хунар мактаби ўртасидаги ҳамкорликдан бир мисол келтиrsак. Корхонанинг устахонасида ўқувчи “Форд” ва “Фольксваген” автомобиль моделлари асосий қисмларининг тузилиши ва вазифасини ўрганади. Касб-хунар мактабида ўқувчи автомобилнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш бўйича назарий билимларни ўрганади ва бўлажак меҳнат

фаолиятида бошқа фирма автомобиллари моделларининг эҳтиёт қисмларини ҳам алмаштира олиши керак.

Ўқувчи назарий машғулотларда нимани ўрганса, шуни амалий машғулотларда қўллай олиши лозим. Ўқувчи автомобил асосий қисмларини кўриши етарли эмас, балки уни ўрната олишни ҳам билиши керак. Бундан ташқари ўқувчи ўрганган билим ва кўникмаларини шунга ўхшаш вазифа ва машқларда ҳам қўллай олиши лозим.

Дуал тизими асосан қўйидаги жойларда:

- корхонада;
- давлат ташкилотларида, давлат бошқармаларида шунингдек идораларида;
- эркин касблар бўйича муассасаларда (мисол учун: шифохоналарда, адвокатлар идорасида, архитектура бўлимларида);
- таълим муассасаларида ва маҳсус мактабларда, шунингдек, ишлаб чиқариш таълим усталарини тайёрлаш мактабларида, ихтисослаштирилган касб-хунар мактабларида ўтказилади.

Германияда касб-хунар таълим тизими асосан ўқувчиларнинг корхонадаги касбий фаолияти билан бошланади. Германияда давлат томонидан тан олинган 350 та касблар бўйича корхоналарда ўқувчиларга касб-хунар таълими берилади.

Германияда одатда кўпчилик ёшлар мактабни битиргандан сўнг, касб-хунар таълими олади.

Касб-хунар таълими якунида ўқувчи масъул органлар (одатда савдо ва саноат палатаси, хунармандчилик палатаси) томонидан имтиҳон қилинади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчилар касб-хунар таълимини битирганлик ҳақида гувоҳнома олади. Гувоҳнома ўқувчига эгаллаган касбий билим ва кўникмалари бўйича иш жойи топиб, ишлаш имкониятини беради. Корхоналар ўқувчига берилган гувоҳномадан унинг керакли билим ва кўникмаларни эгаллаганини билиб олиши мумкин.

Касб-хунар мактаби тўлиқсиз ўқув хафталик мажбурий давлат ўқув муассасаси ҳисобланади. Касб-хунар мактабига бориш федерал ерларда турли-хил тартибга солинган. Шимолий Рейн-Вестфалия ерида

21 ёшгача бўлган ўқувчилар касб-хунар таълимида ўқишини бошласа, касб-хунар мактабга бориши мажбурий ҳисобланади. Ушбу мажбурият касб-хунар таълимини битиргунгача давом этади. Ўқувчи 21 ёшга тўлиб, касб-хунар таълимида ўқишини бошлаган бўлса, касб-хунар мактабга бориш ҳукуқи ўзида сақланиб қолади. Корхона ўқувчиларни касб-хунар мактабга

борганини қайд қилиб боришга мажбур. Уларни мактабга бориши учун барча ишлардан озод қиласы (3-расм).

Касб-хунар мактабида дарс жадвали белгиланған тартибда ишлаб чиқылады. Ўқувчилар мактабга ҳафтада бир кундан икки кунгача келади. Баъзи касб-хунар мактабларда блок дарслари ўтилади ва блок дарслар бир неча ҳафта давомида ўтилиши мүмкін. Касб-хунар мактабда ўқиши давомида ўқувчилар ўй вазифаларини ҳар қунлик корхона ва касб-хунар мактабга борищдан ташқари вақтларда бажариши лозим.

Касб-хунар мактабига битта касб бўйича етарли миқдорда ўқувчилар келса, касб бўйича синф ташкил этилади. Битта касб бўйича етарли миқдорда




ўқувчилар келмаса, ўхшаш касбларни бирлаштириб синф ташкил этилади. Айрим ҳолларда битта синфда турли хил касблар бўйича йиғилган ўқувчилар таълим олади. Кам учрайдиган касблар бўйича битта ер ёки иккита ерлар дажасида битта синф ташкил этилади. Бундай ҳолларда ўқувчилар маҳсус белгиланған касб-хунар мактабларга блок дарсларини ўқиши учун келади. Корхона кўп миқдорда ўқувчиларни ўқитса, бундай корхоналар

3-расм. Грос-Герау шаҳридаги касб-хунар мактабидаги ўқув жараёни (сартарошлиқ йўналиши бўйича)  
ўқувчилари учун алоҳида синфлар ташкил этилади.

### **Касб-хунар мактабидаги таълим мазмуни (5-слайд).**

Касб-хунар мактаблари ва касб-хунар таълими берувчи корхоналар таълим бўйича умумий вазифаларни бажаради. Касб-хунар мактаблари мустақил ўқув юрти ҳисобланади ва касб-хунар тутган ҳолда ўқувчиларга касбий ва умумтаълим фанларини ўргатиши лозим таълимидаги бошқа қатнашувчилар билан teng ҳуқуқли ҳамкор сифатида ҳамкорликда ишлайди. Касб-хунар мактаблари касб-хунар таълими талабларини кўзда. Бундан ташқари касб-хунар мактаблари ерларнинг ҳуқуқий қонун-қоидаларига асосан касбий малака ошириш каби қўшимча вазифаларни ҳам бажариши мүмкін.



Касб-хунар мактаблари тўғрисидаги умумий (доиравий) келишувга (Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгашининг 14/15.3.1991 йилдаги қарори) кўра дарсларнинг учдан икки қисми касбга боғланган ва учдан бир қисми умумтаълим фанлари бўйича тақсимланиши лозим. Жами дарслар камида 12 ҳафтани қамраб олади. Дарсларнинг касбга боғланган қисми Таълим, дин ва маданият ишлари вазирлари кенгashi томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режаларига асосан ишлаб чиқилади. Намунавий ўқув режалар федерал ва ерлар ўртасида тегишли “Касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом”ларга мувофиқ равишда келишилган ҳолда амалга оширилади. Янги намунавий ўқув режалар ўқув соҳаларига қараб бўлинади. Ўқув соҳалари бирор бир касбнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган мавзулар ҳисобланади. Ушбу янги концепция касб-хунар мактабида ўтиладиган мавзулар ва корхоналардаги ўқув жараёни билан боғланган мажмуавий вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Умумтаълим фанларига жамиятшунослик, иқтисод, немис тили, чет тили, диншунослик ва жисмоний тарбия дарслари киради ва улар касбга боғланган ҳолда ўтилади.

## **Касб-хунар таълими ўқувчилари.**

Германия корхонасида бирор бир касб бўйича касб-хунар таълими бўйича таълим олувчи шахс – ўқувчи ҳисобланади. Авваллари ўқувчига нисбатан “шогирд” сўзи ишлатилган ва бу сўз ҳозирги кунда фақат ҳунармандчилик соҳасида ишлатилади. Одатда умумий ўрта мактаб битиравчилари касб-хунар таълимида таълим олиш учун таълим жойини танлашдан бошлайди ва шу пайтда уларнинг ёши 16 ёшдан 19 ёшгacha бўлади. Баъзи ёшлар касб-хунар таълимида таълим олишга кечроқ қарор қабул қиласи, шунинг учун 20 ёшга тўлган ёшларни ўқувчиликка номзодларни танлаб олиш жараёнида учратиш ҳоллари ҳам бўлган. Корхоналар асосан ўқувчиларни уларнинг гувоҳномасидаги баҳоларга қараб танлаб олади, лекин бўлажак ўқувчининг баҳолари паст бўлса ҳам, корхоналар унга таълим олиш имкониятини бериши лозим. Бундай ҳолларда корхоналар танлов сухбати давомида ўқувчининг қизиқишилари, иқтидори борлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ҳар доим ўқувчидан ўқув жараёнида фаол қатнашиш талаб этилади. Ўқувчи касб-хунар таълимини муваффақиятли битириши учун зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиши керак. Ўқувчи ўқув жараёнига боғлиқ бўлмаган ишларни ёки жисмоний имкониятларидан ортиқ бўлган ишларни бажаришдан бош тортиши мумкин. Мисол учун, иш юритувчи нусха кўчириш аппарати билан ишлаш бўйича кўникмаларни эгаллаши лозим, лекин у кун бўйи хужжатлардан нусха кўчириш билан банд бўлмаслиги керак.

Ўқувчи учун ўқув жараёни давомида қўйидаги ишларни бажариши мажбурий ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш таълим усталари томонидан берилган касб-хунар таълимига боғлиқ бўлган бўйруқларни бажариш;
- касб-хунар мактабида ва корхоналараро ўқув марказида ўтказиладиган дарсларда қатнашиш;
- ҳисбот дафтарларини мунтазам тўлдириб бориш ва уларда ўқув жараёнининг ҳар бир босқични ёзиб бориш;
- корхонанинг ишлаб чиқариш сирларини ошкор қилишдан сақланиш ва рақобатдан огоҳ бўлиш.

## **Ўқувчиларни қабул қилиш тартиби.**

Корхона эгаси ўқувчилар (ўқувчиликка номзод)ни қабул қилишдан олдин қўйидагилар ҳақида аниқ қарор қабул қилиши лозим:

- Ўқувчи қандай гувоҳномага эга бўлиши керак?
- Қайси фанлар бўйича яхши баҳоларга эга бўлиши лозим?
- Ўқувчи бўлажак касби учун қандай хусусиятларга эга бўлиши муҳим

(мисол учун, ҳунармандчилик касби бўйича маҳорат)?

Корхоналар ўқувчиликка номзодларни топиш учун бандлик агентлиги ёрдамига мурожаат қилиши ёки газетада эълон бериши мумкин. Корхона эълон беришдан олдин ўқувчиликка номзодларга қандай талаблар қўйилишини аниқ белгилаб олиши лозим.

Корхона номзодларнинг касб-ҳунар таълими жойига бўлган биринчи муносабатини юборилган ҳужжатлар папкасидан билиб олади. Ҳужжатлар папкаси номзоднинг таржимаи ҳоли, аризасининг қисқача мазмuni, мактабни битирганлик ҳақида гувоҳнома, бошқа гувоҳнома ва маълумотлардан иборат. Номзодларнинг ҳужжатлар папкаси сони кўпайиб кетган тақдирда, корхона дастлабки танловни ўтказиши мумкин. Улар одатда номзодлар билан суҳбат ёки қўшимча танлов тестиini ўтказади.

Одатда номзодлар билан суҳбат давомида корхонанинг эгаси, ишлаб чиқариш таълим устаси, катта фирмаларда кадрлар бўлими бошлиғи ва касб-ҳунар таълимига масъул бўлим бошлиғи қатнашади. Бундай суҳбатларни ўтказиш учун корхона олдиндан тайёргарлик қўриши лозим. Иш берувчи номзодларни яқиндан билиб олиши учун қандай саволларни беришни ўйлаб олиши керак.


Кўпинча улар қуйидаги саволларни номзодлар билан ўтказиладиган суҳбатда беради:

- Нима учун бу касбни танладингиз?
- Нима учун бизнинг корхонада таълим олишни хоҳлайсиз?
- Сиз 5 йилдан кейин бўлажак меҳнат фаолиятингизни қандай тасаввур қиласиз?


Суҳбат давомида номзодлар ҳам саволлар бериши мумкин. Суҳбат натижаси номзод ҳақидаги фикрлардан келиб чиқилади ва шу тариқа ҳамкорликда самарали танлов ўтказилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги 6-9-слайдларда касб-ҳунар таълимидаги ўқувчиларнинг мактаб таълими, ўқувчиларнинг таълим соҳаларга қараб тақсимланиши, ўғил ва қиз болалар энг кўп эгаллайдиган 10 та касблар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

## Касб-хунар таълимидағи ўқувчиларнинг мактаб таълими



## Ўқувчиларнинг таълим соҳаларга қараб тақсимланиши



8-слайд

### Үгил болалар энг күп эгаллайдыган 10 та касблар

Автомеханик	22.980	6,5%
Бүёкчи ва локловчи (пардозловчи)	15.818	4,5%
Электромонтёр	13.694	3,9%
Дурадгор	13.648	3,9%
Чакана савдо бўйича мутахассис	13.337	3,8%
Ошпаз	11.552	3,3%
Улгуржи ва ташки савдо бўйича мутухассис	10.241	2,9%
Металларга кайта ишлов б.б.мутахассис	9.400	2,7%
Курувчи уста	9.291	2,6%
Информатик	8.365	2,4%

Жами: 128.296 36,2%

9-слайд

### Қиз болалар энг күп эгаллайдыган 10 та касблар

Иш юритувчи	7,9%
Чакана савдо бўйича мутахассис	7,2%
Сартарош	6,6%
Шифокор ёрдамчиси	5,9%
Стоматология бўйича мутахассис	5,2%
Сотиш ва тъминот бўйича саноат икписодчи	4,9%
Озиқ-овкат маҳсулотлари сотувчisi	4,3%
Банк хизматчisi	3,9%
Мехмонхона хизматчisi	3,7%
Сотувчи	3,7%

Жами: 143.601 53,4%

## **в) Франция таълим тизими**

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизими ҳам қадимий ва бой



тарихга эга. Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган “Таълим ҳақидағи қонун”и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатнинг ички ташки сиёсатидаги ислоҳотлар натижасида юзага келган иқтисодий шароитлар, чет эл педагогикасида илғор технологияларнинг мамлакат

### **Францияда таълимнинг асосий мақсади – шахсни ҳар**

томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатdir.

Францияда таълим тизимини ривожлантириш учун давлатнинг 21 фоиз маблағи ажратилади.

#### **Францияда**

- 1. Давлат мактаблари.**
- 2. Хусусий мактаблар.**
- 3. Оралиқ мактаблар мавжуд.**

Ўқитиладиган предметлар ичидаги француз тили ва адабиёти, ўқиши ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик ҳисобланади. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиши эрталаб бўлади, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан қўшимча сабоқ оладилар. Математика, она тили ва адабиёти базавий фан, тарих, география, МЕҲНАТ, жисмоний тарбия каби фанлар эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгacha бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиши, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришdir.

Ўқув машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик, лекин жуда арzonлаштирилган нархларда амалга оширилади.

Бошланғич синфларда ўқиши 5 йил бўлиб, уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи.
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади).
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи – 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиши ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга, мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, мусиқа ва МЕҲНАТга ўргатилади.

Навбатдаги босқич – элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиши 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимлари янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3-босқичи – чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида “Фуқаролик таълими”, “Нафосат таълими” ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат, спорт киритилган. Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш, уларни рағбатлантириш, шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига қўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услугуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда бўлиб, биринчи босқичда француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, Франция географияси, математика, тиббий фанлар ўргатилади. 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради; 4-3-синфларда эса ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич якунлангач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгacha таълим оладилар. Ўқиши 3 йил давом этиб 2-синф кичик, 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тутатгандаридан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

### г) Япония таълим тизими

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани: 1-бойиш, 2-гарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили “Таълим ҳақида Қонун” қабул қилинади. Бунда япон таълими гарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилади.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимининг таркиби қўйидагича (10-слайд):

10-слайд



Бундан ташқари япон таълим тизими таркиби олий таълим тизимларига киравчи ўқув юртлари ҳам киради.

Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади.

**Мажбурий таълим.** Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошлангич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, бепул дарсликлар билан таъминланган. Мухтоҷ оиласаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади.

Зарур бўлган тақдирда уларнинг оиласаларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилади.

Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10-, 11-, 12-синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундузги мактабларда ўқийдилар.



3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШда 180 кун). Ўқув йили 1 апрелдан

бошланиб март ойида тугайди. Ёзги таътил июнь ойининг охирида бошланиб, август ойида тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади. **Коллежлар:**

1. Кичик коллеж;
2. Техник коллеж;
3. Махсус коллежларга бўлинади.



Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг

Олий ўқув юртларига катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тутатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали

университетларда эса 20 тадан талаба түгри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади:

1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон тили, эски япон тили, математика, физика, химия, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шахобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади).

Японияда бошлангич мактабда ва олий ўқув юртларида технология фани узлуксиз равишда ўқитилади. Технология фани таркибида чизмачилик, тасвирий санъат фанлари ҳам киритилган ҳолда амалга оширилади.

#### **д) Жанубий Корея таълим тизими**

Кореяниң замонавий таълим тизими расман Япония мустамлакасидан



озод бўлган 1945 йилдан бошланган. Аммо кенгроқ қарайдиган бўлсак, корейсларда таълим тизими 1894 йилги ислоҳотлардан кейин юзага келган, дейиш мумкин. 1881 йили Кореядаги Чосон хукумати мамлакат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида маҳсус армия тузади ва ғарбликлар ҳарбий санъатдан дарс беради бошладилар. Бу ўз навбатида чет тили

ва бошқа фанлар таълимини юзага келишини таъминлади. Гарчи 1882 йили маҳсус қўшин учун дарслар тўхтаб қолган бўлса- да, бир қанча амалий фанлар дарси давом этаверди.

Гвангхевон, Бежехақдан, Ихваҳақдан каби шахсий таълим муассасалари ҳам вужудга кела бошлади ва кейинчалик университетлар учун асос бўлиб хизмат қилди. 1894 йили шахсий билим масканлари бирлаштирилиб, мамлакат таълим тизимини бошқарувчи институт ташкил этилди. Шу билан бирга 1895 йилдан бошлангич мактаблар ва мактаб учун кадрлар тайёрлайдиган педагогика мактаблари тузилади.

Замонавий Корея таълим тизимидаги бошлангич мактабларнинг роли муҳим. Кореяда бошлангич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишига киришга хуқуқли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг рухсатномасини олиши лозим бўлади. Ўқув йили эса 1 март Корея республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади. 6

йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич таълимдан кейинги “зинапоя” вазифасини ўрта таълим бажаради. Ўрта таълим Корея республикасида 3 йил давом этади. Ўрта таълим ҳам мажбурий бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Ўрта таълим мактабларида давлат тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусиқа, ТЕХНОЛОГИЯ, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд. Ўрта мактаб тутатилгач юқори мактабларда таълим давом эттирилади.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртларида ўқишига қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишига киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тифизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс қийинчиликлари ҳам қўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга teng. Бу эрда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлиар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага қўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4-5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни – классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

### **Назорат саволлари**

1. Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликларини тушунтириб беринг?

2. Америка Қўшма штатлари таълим тизими ҳақида нималарни биласиз?
3. Америка ўрта мактабларида нечта йўналишда касб-хунар асослари ўргатилади?
4. Германияда қандай шаклдаги касб-хунар мактаблари мавжуд?
5. Германия касб-хунар таълимининг дуал тизими мазмунини тушунириб беринг?
6. Германия касб-хунар мактабидаги таълим мазмунни нималардан иборат?
7. Германия касб-хунар таълими ўқувчиларига қандай талаблар қўйилади?
8. Германияда ўқувчиларни мактадларга қабул қилиш қандай тартибда амалга оширилади?
9. Франциянинг таълим тизими қандай структуравий тузилишга эга?
10. Францияда таълимнинг асосий мақсадини биласизми?
11. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қисмлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
12. Жанубий Кореядаги таълим моделини изоҳлаб беринг?
13. Японияда таълим тизими босқичлари ҳақида гапиринг?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Fachglossar – Betriebliche Ausbildung. Deutsch-Russisch. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2008. Bonn, 60 s.
2. Berufsausbildung sichtbar gemacht. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2003. Bonn, 72 s.
3. Bildung in Deutschland. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2004. Bonn, 6 s.
4. Ausbildung und Beruf. Bundesministerium für Bildung und Forschung. 2007. Bonn, 222 s.
5. Berufsbildung in Deutschland. Europäisches Zentrum für die Förderung der Berufsbildung. (CEDEFOP). Thessaloniki. 2007, 102 s.
6. Jugend und Berufsbildung in Deutschland. Bundesinstitut für Berufsbildung. 1994. Berlin, 31 s.
7. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Environment: School Discipline and Comparative Perspective. Stanford University Press, USA 2012.
8. H.Fry, S. Kettleridge, S.Marshall. Handbook For teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
9. Higher education in japan. Higher Education Bureau, Ministry of

Education, Culture, Sports, Science and Technology. 3-2-2 Kasumigaseki,  
Chiyoda-ku, Tokyo 100-8959, Japan Tel: +81-3-5253-4111 (Reception).

[www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” технологияси (инглиз тилида “case” – тўплам, чемодан (чамадон), “study” – муаммоли вазият) – вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш демакдир. Ушбу технология талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади

### **1. Кейс: Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси.**

#### **Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.**

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида мусиқий йўналишида асарлар яратган ва яратадиган Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси; замонавий дирижёрлик санъати мактаблари; композитор ва фольклор; Европа мамлакатларида дирижёрлар тайёрлаш тизими; Шарқ ва Фарб мусиқасининг интеграцияси; Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмунини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

#### **Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясади.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.

Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиласиз ёки бирга чўкамиз.

### Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиши – 2 минут.

2. Муҳокама қилиш – 3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш – 5 минут.

4. Презентация (такдимот) қилиш – 5 минут.

5. Гурухлар бошқа гурухларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### 1-илова

#### Биринчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
“Замонавий мусика” атамаси нимани англатади?		
Ўзбекистонда мусикий авангاردизм ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб беринг.		
Дирижёрлик санъати мактаблари ҳақида нимани биласиз?		

#### Иккинчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Композитор ва фольклорнинг ўзаро боғлиқ томонлари нимада?		
Замонавий мусика яратган ўзбек композиторлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Дирижёрнинг вазифаси нималардан иборат?		

### 2-илова

#### Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					

## 1. Кейс: Замонавий хонандалик мактаблари.

**Ишдан мақсад** – Таълим тизимида хорижий давлатларда вокал мактаблар; вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданиятини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гурухларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гурухларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гурухлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

### Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

### **Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.**

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Мұхомама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тәқдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тәқдимот) қилиш –5 минут.
5. Гурухлар бөшқа гурухларни презентация (тәқдимот)лари вақтида уларни бақолаш.
6. Бақолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**1-илова**

#### **Биринчи гурух учун вазифа.**

<b>Саволлар</b>	<b>Түшүнчөштөр</b>	<b>Изоҳ</b>
Вокал мактаблар деганда нимани тушунасиз?		
Италиян вокал хонандаларидан кимларни биласиз?		
Мақом ижроғиленің қандай фикр билдириңг.		

#### **Иккінчи гурух учун вазифа.**

<b>Саволлар</b>	<b>Түшүнчөштөр</b>	<b>Изоҳ</b>
Замонавий хонандалик мактаблары қандай фирмалар билдира оласиз?		
Ўзбекистон вокал мактабларининг ёрқин вакиллари кимлар?		
Замонавий эстрада-жаз хонандалигы қандай фирмаларнан тұрады.		

**2-илова**

#### **Гурухни бақолаш жадвали.**

<b>Гурух-лар</b>	<b>Жағобларнинг анық, равшанлиги</b>	<b>Ахборотнинг ишончлилиги</b>	<b>Гурух аъзосининг фаоллиги</b>	<b>Умумий баллар</b>	<b>Баҳо</b>
1-гурух					
2-гурух					

#### **Гурухни бақолаш жадвали.**

<b>Гурух-лар</b>	<b>Жағобларнинг анық, равшанлиги</b>	<b>Ахборотнинг ишончлилиги</b>	<b>Гурух аъзосининг фаоллиги</b>	<b>Умумий баллар</b>	<b>Баҳо</b>
1-гурух					
2-гурух					



## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<i>Абстрактлаш</i>	мавхумлаштириш орқали назарий умумлашмалар ҳосил қилишдан иборат таълим методи	abstract method of training which consists of theoretical generalization
<i>Авторитар технология</i>	анъанавий таълим жараёнининг ифодаси бўлиб, ўқитиши жараёнида ўкувчи объект, ўқитувчи субъект сифатида фаолият кўрсатишига асосланган тизим	traditional process of training, and object is in process of training of students to function as the teacher of system on the basis of subject
<i>Адаптация</i>	ўкув жараёни, ўкув фаолиятига мослашув	educational process, educational actions of compatibility
<i>Академик лицей</i>	муайян фанни чуқур ўргатишга йўналтирилган ўрта маҳсус таълим муассасаси	it is directed to training deeper average educational institution
<i>Акмеалогия</i>	инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомили ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидағи ЭНГ кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи	dynamics of development of human life and takomili various stages his strong ability to study problems of a difficult branch of science
<i>Альтернатив</i>	муқобил, муқобил ўкув материали	alternative, alternative training material
<i>Амалий машғулотлар</i>	маҳсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш қўнимка ва малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли	specially equipped room or special area of tests where scholars to put the theoretical knowledge into practice, directed to skills and training
<i>Анъанавий ўкув адабиётлар</i>	билим олувчиларнинг ёши, психологик ва физиологик хусусиятлари, маълумотлар	recipients of age of knowledge, psychological and physiological features,

	ҳажми, матн ўлчовлари, қоғоз сифати, муқова турини каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда қоғозга чоп этиладиган манбалар	the size of data, the text sizes, quality of paper, in view of indicators, such as type of a covering of paper of the published sources
<i><b>Арифметика</b></i>	ўқувчиларга математик сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни ўргатадиган ўқув фани	to provide to students of mathematical operations on the main properties of integers, and they learn sciences the curriculum
<i><b>Аудитория</b></i>	олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида дарс ўтказиладиган хона	the highest and middle classes of vocational education
<i><b>Ахборот</b></i>	амалда қўлланиладиган аник хабар. Ахборот кишилар орасидаги, одамлар ва ЭҲМ орасидаги маълумот алмашиниш ҳодисаси	it is accurately put into practice. Information between these people and exchange of information between the falling exposition
<i><b>Ахборот-маълим мухити</b></i>	– таълим жараёнида янги маълумотларни олиш имконини берадиган ўқув вазияти	the provision of educational process that allows to receive new school
<i><b>Ахборотли модул</b></i>	– янги маълумот беришга йўналтирилган ўқув модели	the model is directed on new educational
<i><b>Ақлий ҳужум</b></i>	муаммони ҳал этишга нисбатан интеллуктуал ёндашув. Бунда муаммони ҳал этишга оид шахсий фаразлар илгари сурилади	intelluktual approach to the solution of this problem. At the same time, to solve a problem of separate hypotheses earlier
<i><b>Баҳо</b></i>	таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши	preparation of knowledge, skills and experience by means of number or the size of a quantitative assessment of conditional expression
<i><b>Баҳолаши</b></i>	ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш	the student or the student of knowledge, skills and experience to define a level of quality and personal
<i><b>Билим</b></i>	ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари хақида ҳосил қилган маълумотлари.	school students and students of the nature, society, achievements of science and technology.

	Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот	Theoretical information will be provided for pupils or students
<b>Билиш назарияси (гносеология, эпистемология)</b>	билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади	the nobility governed also opportunities for studying of interrelation between knowledge of objective reality
<b>“Бумеранг” технологияси</b>	ўқувчини машғулот ва машғулотдан ташқари жараёнларда турли ўқув адабиётлари, муаммоли тажриба бажариш мазмуни билан танишириш, фикрни эркин баён этиш ҳамда муайян тажрибани бажариш давомида уни баҳолашга қаратилган технология	In the course of training of the reader and educational literature and to present the maintenance of productivity of problem experience in the course of realization of freedom of expression, and also concrete experience in an assessment of technologies
<b>Вербал мулоқот шакллари</b>	маъруза, сұхбат, саволжавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табрик, танбех, саломлашиш-хайрлашиш кабилардан иборат мулоқот тури	Lectures, discussions, questions and answers, councils, discussions, discussions, messages, greetings, forbid, a greeting a response
<b>Гнесология</b>	билиш хақидаги таълимот	In more detail about training
<b>Гностик қўникма</b>	бўлажак мутахассис шахсини касбий фаолиятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилиш, унинг тадқиқотчилик характеристини ифодаловчи қўникма	are concentrated on realization of the creative person of future expert of professional activity, his ability to represent the research nature
<b>Давлат таълим стандарти (ДТС)</b>	таълимнинг зарур, етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари мажмуасидир	adequate education level and preparation of the main requirements of a government complex by the size of working loading
<b>Дарс</b>	1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли; 2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқувтарбиявий жараённинг аник вақт билан чекланган қисми	1) continuation of educational institutions will be the main form of education; 2) studying by the main organizational form of the work performed in logical complete educational the part of process is limited for a

		certain period of time
<b>Дарс таҳлили</b>	ўқув машғулотини бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлакларга бўлиб баҳолаш	complex academic preparation in general or separate parts of an assessment
<b>Дарсни жиҳозлаши</b>	ўтиладиган дарс мавзусига кўра ўқув-дидактик материаллар, қўлланма, мультимедиа, ўқув воситалари кабиларни танлаш ва тартибга келтириш	On a training subject in the curriculum and didactic materials, manuals, multimedia tutorials, such as selection and an arrangement
<b>Дастур</b>	ўқув фаолиятини амалга ошириш режаси ва ушбу фаолиятнинг мазмунини ифодаловчи меъёрий хужжат	plan to carry out educational activity and content of activity of normative documents
<b>Дидактик материал</b>	ўқувчиларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган маҳсус ўқув материаллари	The educational and training materials directed to students
<b>Дидактик тизим</b>	таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, метод, жараёнлари ва ўқитиш мақсадларидан иборат тизим	content of training, form of the organization, methods, processes and purposes of system of training
<b>Дидактика</b>	1) педагогиканинг таълим назарияси билан шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси	1) business with the theory of pedagogics of an educational network; 2) Theory of education
<b>Замонавий педагог</b>	таълим олувчининг қандай ўқиётганлиги ва ривожланаётганлигини тўлиқ тушуниб, ҳис қила оладиган, яъни унинг ҳаётини ўз шахсий ҳаёти сингари ҳис қилиб, ўқувчининг ички, ахлоқий-маънавий, умуммаданий ўсиб ривожланишига, болалар ҳамда катталар ҳамжамиятининг мустаҳкамланишига кўмаклаша оладиган ўқитувчи	Development it is trained how to read and to fully understand that you can feel that his life to feel as in the private life, the student, moral, spiritual and umummadaniy development in children and adults who can help to strengthen community of teachers
<b>Идрок</b>	ўқувчи ва талабанинг билиш, тушуниш қобилияти, зеҳни, фаҳм-фаросати	school students and students, ability to understand beliefs, abilities to think,
<b>Ижод</b>	ўқувчи ва талабанинг	Opening of creators of

	яратувчилиги, кашфиёти	school students and students
<b>Ижодий изланиши методи</b>	педагог бошчилигига қўйилган муаммо ва масалаларни ечиш йўлларини фаол излашни ташкил этишга хизмат қиласидиган методлар	Teachers have given a way to the solution of problems and questions which serve creation of active search of methods
<b>Изланишили метод (эвристика)</b>	ўқувчиларни аста-секин муаммоларни ҳал этишга яқинлаштириш учун, тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришга ўргатиш, кўникма ҳосил қилиш методи	students step by step to approach the solution of problems, a method of studying to teach others to take some steps to abilities to create
<b>Имитация</b>	бирор нарсага тақлид қилиш, ўхшатма	imitating something imitating
<b>Индивидуал ўқитиши</b>	ўқувчи шахсига алоҳида ёндошган холда таълим-тарбия бериш	the pupil of the personal focused education and vocational training
<b>Инновацион вазият</b>	педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш ва татбиқ этишга қаратилган вазият.	creation of the pedagogical innovations directed to realization and development of the situation.
<b>Инновацион муҳим</b>	педагогик янгиликларнинг вужудга келиши, уларнинг жадал ўзлаштирилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши	появление новых педагогических, они ускоряют разработку и внедрение
<b>Инновацион педагогик лойиҳа</b>	қабул қилинган ва қисмларга ажратилган инновацион педагогик ғоя, фикр	emergence new pedagogical, they accelerate development and deployment
<b>Инновацион таълим</b>	1) таълим соҳасига киртилган ва киритилаётган янгиликлар; 2) янгинланган, янги технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни	1) education in China, and news; 2) it is updated on the basis of new technologies of educational process
<b>Инновацион технология</b>	педагогик тараққиётни таъминлашга қаратилган ташкилий фаоллик жараёни	the pedagogical activity aimed at the development of organizational process
<b>Инновация</b>	янгидан киртилган тушунчалар, тартиб қоидалар, технологиялар ва янгиликлар	new concepts, procedures, technologies and innovations
<b>Инсерт усули</b>	ўқув матни устида ишлаш	in the course of work on the

	жараёнида ўқувчининг фаоллик кўрсатиши, ўз билимларини баҳолаш учун қўлланадиган усул	text of a method of training it is used for an assessment of their knowledge of a role of the student
<b>Интенсив таълим</b>	жадал, тезкор амалга ошириладиган ўқув жараёни	to accelerate fast implementation of educational process
<b>Интерфаол усул</b>	таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги фаол ҳамкорлик мулоқоти	education, dialogue and cooperation between education
<b>Исбот методи</b>	мулоҳаза, хукм, назариянинг чинлигини педагогик жиҳатдан аниқлаш усули	motivated judgment, the theory it is right a pedagogical method
<b>Исбот методи компонентлари</b>	тезисни аниқлаш; исботлаш усули, етарли далилларни саралаш; хуносаларни тавсифлаш, фикр, алгоритм, моделлар, зарур схема	thesis; The Method of the choice is enough proofs to prove; to describe conclusions, ideas, algorithms, models, schemes
<b>Ишланма</b>	муайян мақсадга йўналтирган ўқув жараёни ёки ўқув материалининг лойиҳаси	purposeful educational or training materials for the project
<b>Касбий тайёргарлик</b>	таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмuinи бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён	Development of the concrete work or work necessary for end of a set of skills which provides accelerated occupy educational process
<b>Касбий таълим</b>	муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим	performance to this or that sphere of formation and development of education
<b>Креативлик (ижодийлик)</b>	қандайдир янги, бетакор нарса яратса олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён	something new, something unique ability to create to create a form of art, thoughts, ideas and can lead to the solution of intellectual process
<b>Кузатиии методи</b>	объектив борлиқдаги нарса-ҳодисаларни тизимли, узлуксиз, батартиб, мукаммал идрок қилиш жараёни	objective things and events in systematic, continuous, exact, full understanding of process
<b>Курс</b>	(лот. Kursus – югуриш, харакат) – 1) олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ўқув	1) the highest and average special educational institutions of a stage of a

	даври, босқичи; 2) бирор фан ва илм соҳасининг муайян доирадаги тугалланган баёни	training cycle; 2) Description of a full range of this or that field of science and science
<b>Кўникма</b>	ўқувчи ёки талабанинг ўзлаштирган билимлари асосида муайян амалий харакатни бажара олиш фаолияти	student or knowledge of the student of development of activity of specific practical actions
<b>Лойиҳалаши методи</b>	педагогиканинг pragmatik йўналишига асосланган ҳолда, таълим жараёнида ўқувчиларга бериладиган амалий топшириқларни лойиҳалаш ва уларни ўқувчиларнинг бажаришлари жараёнида билим ва кўникмаларини намоён қилишларини таъминловчи таълим шакли	On the basis of the direction of pedagogics is pragmatical, practical training in students at design and performance of the pupils, providing knowledge and skills of training
<b>Малака</b>	ўқувчи ёки талабада муайян ўқув материали ва касбни чуқур ўзлаштириш натижасида ҳосил бўлган автоматлашган маҳорат	pupils or students in a certain training material and a profession as a result of development of the automated skills
<b>Машқ</b>	бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта тақрорлаш	For improvement of quality of any activity or development it is good to repeat it many times
<b>Маълумот</b>	шахснинг ўқиши, ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникмалари хажми, йўналиши ва даражаси	reading, training, knowledge, skills, size, direction and speed
<b>Маълумотларнинг иерархик модели</b>	маълумотларнинг изчил тизимини ифодаловчи лойиҳалар	represents consecutive information of system projects
<b>Маъруза</b>	ўқув материалига оид бирор масала, илмий, сиёсий мавзуларнинг изчил, тартибли, оғзаки баёни	training materials on a subject, scientific, political subjects in a consecutive manner, the verbal description
<b>Метод</b>	таълим жараёнида тақдим этилган амалий ва назарий билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, ўргатиш, ўрганиш, билиш учун хизмат қиласидиган йўл-йўриқлар,	Practical and theoretical knowledge in educational process, development, teaching, training, service instructions, a set of methods

	усуллар мажмуи	
<b>Методология</b>	тадқиқотчининг назарий-амалий педагогик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, у амал қиласидиган меъёрий-хуқуқий, назарий-фалсафий ёндашувлар, қонуниятлар, қарашлар йифиндиси	scientific work of the theoretical and practical pedagogical principles, is legal, theoretical and philosophical approaches, laws and the sum of views
<b>Миллий модел</b>	“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг ўзагини ташкил этувчи яхлит тизим	"The program of training at the national level" make a basis of all system
<b>Модулли таълим</b>	модуллаштирилган ўқув дастури асосида ташкиллаштириладиган ўқитиш жараёни	Process of training is organized on the basis of the training program of modull
<b>Модулли ўқитиш</b>	ўқитишнинг изчил тизим асосида амалга ошириладиган тури	the type of training is carried out on the basis of consecutive system
<b>Мониторинг</b>	муайян воқеликни текширувчи, назорат этувчи ва унинг натижаларини умумлаштирувчи жараён	a certain event, management of technological processes and to threaten results her
<b>Муаммо</b>	ўқув жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган масала, вазифа	question which has to be solved in the course of training, a task
<b>Муаммоли вазият</b>	индивидуал ёки гурӯҳ фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи ҳолат	strong influence on work of the individual or group status
<b>Мустақил таълим</b>	инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлари жараёни	the person has chosen tools and publications on experience of generations, efforts have been concentrated on studying of achievements of science and technology
<b>Олий таълим</b>	турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш	various higher education institutions, universities, training of experts
<b>Олий таълим Давлат таълим стандарти</b>	олий таълимнинг давлат томонидан тасдиқланган модели, эталони, намунаси ҳамда таълим мазмунининг максимум даражаси ва унга қўйилган минимум талаблар	The standard model is approved by the state of the higher education, design and the maintenance of level of preparation of requirements to maximum and minimum

<b>Педагогик жараён</b>	аник мақсадга йўналтирилган, мазмунан бой, таркиби жиҳатидан қатъий шаклланган ўкув вазиятида ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро хамкорлик	target, substantial, from the point of view of structure of an event it was strongly approved educational interaction between teachers and students
<b>Педагогик квалиметрия</b>	ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўнишка, малака ва шахсий сифатларни ўлчаш тизими	students of the acquired knowledge, abilities, skills and personal qualities of measuring system
<b>Педагогик лойиҳалаш</b>	педагогик жараённинг яхлит мазмуни ва унинг таркибий қисмларини босқичмабосқич муайян узвийлика режалаштириш	the content of teaching and educational process is his integral component step by step of planning of box
<b>Педагогик мақсад</b>	педагогик фаолиятнинг прогноз қилинган натижалари	Results of the forecast of pedagogical activity
<b>Педагогик муаммо</b>	(грек. problema – топшириқ, вазифа) – таълим олувчи томонидан билим ва тажрибалари асосида тегишли вазиятда юзага келган кийинчилик ва зиддиятларни ҳал этиш зарурлигини англаш ҳодисаси	based on knowledge, experience and prepared by the state to understand difficulties and need of resolution of conflicts, caused by accident
<b>Педагогик таксономия</b>	ўқув мақсадларининг таснифланиши, ўқув фани бўйича хусусий мақсадларнинг аник белгиланиши	Classification of the educational purposes, the training program learns specific goals, certain
<b>Педагогик тизим</b>	1) маълум педагогик концепция, назария ва ёндашувларнинг муаллифлар томонидан педагогик амалиётга жорий этишдаги изчиллик; 2) ўқувчи шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган педагогик принцип, восита, усул ва методлар йиғиндиси	1) concrete educational concepts, theories and approaches to gradual introduction of student teaching by authors; 2) influence the identity of the reader of the pedagogical principle, the engine has a set of methods and receptions
<b>Предмет</b>	инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борликдан алоҳида ажратиб	activity of the person and knowledge in the course of objective things, other than

	олинган яхлит ҳодиса ёки тушунча	the concept of one event or
<b>Репродуктив</b>	ўзлаштириш даражасида бир турдаги масала ёки машқларни намунага қараб ечиш усули	level of development of this or that type of a question or problem, depending on a model of exercises
<b>Синквейн</b>	француз тилида «беш қатор» маъносини билдирувчи педагогик стратегия	French "means a series from five educational strategy
<b>Таълим</b>	ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш, ривожлантириш кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси	school students and students, to train them to develop talent and skills to be convinced that process, the main means of preparation of youth for life and work
<b>Таълим мазмуни</b>	ўқувчиларни ҳаққоний, илмий далиллар, тушунчалар, қонуниятлар, назариялар билан таништиришга қаратилган билимлар тизими	The student's objective, scientific facts, concepts, laws, theories directed to their acquaintance with information system
<b>Таълимнинг синф-дарс тизими</b>	мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш тизими. Унда ўқувчилар ёш хусусиятлари ва ўқиши муддатларига кўра муаян синфларга ажратилиб, таълим ўқув режаси ва дастурига мувофиқ, асосан, дарс шаклида олиб борилади	The organization of educational process in system of school education. According to conditions of students of skills of reading and some numbers have been selected according to the curriculum and the program, is carried out generally in the form of a lesson
<b>Ҳамкорликда ўқитиши</b>	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш асосидаги гурӯхий ўқитиши шакли	Information sharing, personal and professional experiences among the students in the process of group face-to-face classes

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари**

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
7. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги №140-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 187-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3289-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Mark Feezell. “Music Theory Fundamentals” Copyright. 2011 All Rights Reserved. Learn Music Theory. Net-2011
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
3. James Tackett. “Fundamentals of church music Theory” Austin Christian Akappella Musik. Abilene Christian University. 2009.
4. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
5. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
6. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004
7. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.
8. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.: Fan, 2010.–686с.
9. Педагогика назарияси ва тарихи // Тўхтакўжаева М.Х.таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
10. Иноятов У.И. Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. 2012 й. Тошкент, “Илм-Зиё” нашриёти. 12 б.т.
11. Mishael Pilhofer and Holly Day “Music Theory for dummies” Indiana USA 2007. Wiley Publishing Inc.
12. Cat’rine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. [www.Completevocalinstitute.com](http://www.Completevocalinstitute.com)
13. Сайдаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. – 172 б.
14. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.

15. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ Ризографи, 2014 йил. 6,5 б.т.
16. American popular music. Larri Star & Christop'er Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.
17. Қахҳаров Н.В. Вокал асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент. Иқтисодмолия. -Т. 2008. 314 б.
18. Мирзаева Н.А. Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzalар матни. -Т. 2008. 48 б.
19. Бахромова Т.А. Справочник по музыкальной грамоте и солофеджио. М., 2004.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz), [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
5. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz).
7. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази: [www.giu.uz](http://www.giu.uz).
8. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
9. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).